

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

12-сон
(824)
2018 йил
26 март

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

223. «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги ПҚ–3620-сон қарори

Учинчи бўлим

224. «Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 мартдаги 205-сон қарори

225. «Хорижий давлатлар ҳудудида фавқулодда вазиятлар оқибатида жабрланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 мартдаги 206-сон қарори

Бешинчи бўлим

226. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 5 декабрдаги 33, 24-2017-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида резервдаги ва захирадаги офицерларни тайёрлаш дастурлари бўйича ўқитиш учун талабаларни саралаш танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2984*)
227. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 28 февралдаги 8-қ/қ, 47-сон «Йиллик меҳнат таътили вақтида сақланиб қолинанидан ўртача иш ҳақи миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2985*)
228. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 1 мартдаги 39, 2018-22-сон «Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2775-1*)
230. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 9 мартдаги 01/19-10/17-сон «Ўзбекистон Республикасининг Мулкни баҳолаш миллий стандарти (12-сон МБМС) «Солиқ солиш мақсадида ялпи баҳолаш усуллари билан кўчмас мулк қийматини баҳолаш»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2359-2*)
235. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 19 февралдаги 1, 46-сон «Қаровсиз қолган ҳайвонларни отиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2368-2*)
236. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2018 йил 1 мартдаги 44, 8, 2018-2-сон «Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларининг эскиришини аниқлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғри-

сидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2538-1*)

237. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 1 мартдаги 45-сон «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2169-2*)

238. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 1 мартдаги 46-сон «Бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2400-1*)

239. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 7 мартдаги 6, 44, 57-сон «Мактабгача таълим муассасаларини мебель, ўқув кўргазмали қуроллар, техник-воситалар, ўйинчоқлар, спорт анжомлари ва бошқа ашёлар билан жиҳозлаш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2753-1*)

240. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 7 мартдаги 7, Қ-6, 14, 58-сон «Мактабгача таълим муассасаларини ўйинлар, ўйинчоқлар, мебель, жиҳозлар ва бошқа техник воситалар билан жиҳозлаш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2986*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 17 мартдан 24 мартгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

223 Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида банк тизимида хизматлар кўрсатишнинг бозор механизмлари жорий этилмоқда, уларнинг турлари кенгайтирилмоқда, тадбиркорлар ва аҳоли учун молиявий очиклик ошиб бормоқда.

Аҳоли учун валюта айирбошлаш амалиётларини амалга оширишни енгиллаштирувчи янги банк хизматлари жорий этилди, якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан чет эл валютасини сотиб олиш учун шароитлар яратилди.

Шу билан бирга, банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, айниқса, ҳудудларда риоя этиш ҳамда молиявий очикликни кенгайтириш, шунингдек, хизмат кўрсатиш маданияти ва банк тизимида бўлган ишончни янада оширишда бир қатор муаммо ва камчиликлар кузатилмоқда. Хусусан:

биринчидан, кредитларни ажратиш бўйича қарорлар қабул қилишда ваколатларнинг ҳаддан ташқари марказлашганлиги бош банклар ва уларнинг филиаллари ўртасидаги жавобгарликнинг аниқ чегараланишига тўсқинлик қилмоқда;

иккинчидан, кредит буюртмаларини кўриб чиқишнинг мураккаблашган механизмлари кредитларни тезкор олиш имкониятини чегараламоқда;

учинчидан, тижорат банклари томонидан микроқарзлар ажратилиши имкониятининг мавжуд эмаслиги микроқарзлар олиш даражасини ошириш имконини бермаяпти, микрокредит ташкилотлар ва ломбардларнинг хизматлари бўйича юқори фоиз ставкалари аксарият ҳолатларда истеъмолчиларнинг молиявий ҳолати ёмонлашишига олиб келмоқда;

тўртинчидан, чакана банк хизматлари бозорининг паст даражада ривожланганлиги ва миқдорлар билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишнинг замонавий ёндашувлари мавжуд эмаслиги ортиқча бюрократия ва сансалорлик учун замин яратмоқда;

бешинчидан, банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича давлат процессинг ташкилотининг мавжуд эмаслиги чакана тўлов тизимларининг хавфсизлик, узлуксизлик ва ишончлилик да-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 24 мартда эълон қилинган.

ражасига таъсир кўрсатмоқда ҳамда аҳолининг кенг қатламлари учун очик бўлган инновацион лойиҳаларни амалга оширишда замонавий технологик ечимларни илгари суришга тўсқинлик қилмоқда;

олтинчидан, кредитларни (микроқарзларни) кўриб чиқиш ва ажратиш учун хизмат ҳақи ҳамда бошқа тўловларнинг ундирилиши қарзнинг реал қиймати ошишига олиб келмоқда;

еттинчидан, шартномаларга хизматлар тарифларини, ажратилган кредитлар ва жалб қилинган депозитлар бўйича фоизларни бир томонлама ўзгартириш ҳуқуқини назарда тутувчи шартларнинг киритилиши, шунингдек, бир хизматнинг қўшимча хизматдан фойдаланиш шarti билан кўрсатилиши банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини бузмоқда;

саккизинчидан, банк тўлов карталаридан чет эл валютасини ечиш бўйича чекловларнинг мавжудлиги ва банкоматлар сонининг етарли эмаслиги валюта айирбошлаш амалиётларини бажаришда талаб даражасида хизмат кўрсатиш имконини бермаяпти.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш, банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш ва инновацион ривожланишнинг тенденцияларини инобатга олган ҳолда молиявий очиклик даражасини ошириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Банк хизматлари оммабоплигининг оширилишини ва банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий вазифаларидан бири эканлиги белгилаб қўйилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тузилмасида банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, молиявий очикликни ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлик даражасини ошириш асосий вазифалари бўлган Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифаларини бажаришда:

банк тизимида тизимли камчиликлар ва банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари бузилишларини аниқлашга, шунингдек, уларнинг олдини олишга;

банк хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўйган кредит ташкилотларига нисбатан жавобгарлик чоралари кўрилишини таъминлашга;

банк хизматлари истеъмолчиларининг бузилган ҳуқуқларини тиклашда маслаҳат бериш ва кўмаклашишга;

молиявий очиклик даражасини оширишга ва банк хизматлари истеъмолчиларининг саводхонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 июлдан тижорат банклари:

дастлабки рухсатларсиз ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатларсиз мижозларга бевосита хизмат кўрсатиш ҳудудига тўсқинликсиз кириш;

мижозларни дастлабки қабул қилиш маъмурият ходимларидан кўрсатилаётган банк хизматлари тўғрисида дастлабки маслаҳатларни олиш;

кредит (микроқарз) бериш тўғрисида қарор қабул қилишнинг босқич-ма-босқич жараёнини ва кредит (микроқарз) бериш тўғрисида хабардор қилиш ёки уни беришни асослантирилган ҳолда рад этиш тартибини кўрсатган ҳолда кредит буюртмаларини шаффофлик асосида рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш учун шарт-шароитлар яратади.

4. Кредит ташкилотларига:

микроқарз шартномалари, шунингдек, ломбардлар томонидан тузилган кредит шартномалари бўйича йиллик қарз суммасининг ярмидан кўп миқдорда фоизлар ҳисоблаш, комиссия ва неустойка (штраф, пеня) ундириш, жавобгарликнинг бошқа чораларини қўллаш;

кредит буюртмаларини кўриб чиқиш, ссуда ҳисобварақларига хизмат кўрсатиш, кредитлар ажратиш учун тўловлар, шунингдек, жисмоний шахслар ва кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кредитлар (микроқарзлар) муддатидан илгари узилганлиги учун неустойка ундириш тақиқланади.

5. Тижорат банкларига:

банк фаолиятининг илғор халқаро тажрибасини ўрганиш ҳамда банк хизматлари ва маҳсулотларининг янги турларини жорий этиш;

банклар филиаллари ва мини-банклар қопланишини ҳамда банк хизматларига бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда банклар филиаллари ва мини-банклар тармоғини кенгайтириш;

филиалларнинг кредит ажратишда бош банклар билан қўшимча келишувсиз мустақил қарорлар қабул қилиш бўйича ҳуқуқларини кенгайтириш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

а) 2018 йил 1 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жисмоний шахслар томонидан халқаро тўлов карталарига сотиб олинган хорижий валютани тижорат банклари томонидан белгиланган лимитлар доирасида нақд шаклда ечиб олиш механизмини жорий этсин;

б) 2018 йил 1 апрелга қадар тижорат банклари билан биргаликда хорижий валютанинг олди-сотди операциялари амалга оширилишини ва халқаро тўлов карталаридан пул маблағларининг хорижий ёки миллий валютадаги муддатли омонатларга ўтказилишини таъминловчи жисмоний шахсларнинг ҳисобварақларини масофадан туриб бошқариш тизимини жорий этсин;

в) 2018 йил 1 майга қадар:

Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

қонун ҳужжатларига тижорат банкларига микроқарзлар ажратиш ҳуқуқи берилишини назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари кредит ташкилотлари

томонидан бузилган тақдирда, уларга нисбатан Марказий банк томонидан санкциялар қўлланилишига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшимчалар киритсин;

тижорат банклари томонидан потенциал қарз олувчининг кредитга лаёқатлилик даражасини баҳолаш ҳамда жисмоний шахсларга ва кичик тадбиркорлик субъектларига кредитлар (микроқарзлар) ажратиш муддатларини қисқартириш имконини берувчи ўз скоринг моделини яратиш имконига эга бўлган кредит бюросида скоринг модели мавжудлиги бўйича талаб ўрнатилишини назарда тутувчи низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

г) 2018 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда банклар — маҳаллий ва халқаро банк карталари бўйича ҳисоб-китоблар иштирокчилари ўртасида ахборот ва технологик ўзаро муносабатларни таъминловчи Миллий банк процессинг марказини ташкил этиш концепциясини ишлаб чиқсин, унинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

транзакцияларнинг хавфсиз ва узлуксиз амалга оширилишини таъминловчи миллий чакана тўлов тизимини тузиш ва ривожлантириш;

қулай тўлов хизматларини яратиш ва ривожлантириш;

нақд пулсиз тўловларни амалга оширишда инновацион маҳсулотларни, шу жумладан бевосита мулоқотсиз ва мобиль технологияларни ривожлантириш ҳамда илгари суриш;

бевосита мулоқотсиз ва мобиль технологияларни, биринчи навбатда, ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш, транспорт, савдо, умумий овқатланиш соҳаларида, айниқса, ҳудудларда жорий этиш;

халқаро тўлов тизимлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;

д) 2018 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва тижорат банклари билан биргаликда маҳаллий тўлов тизимларини норезидентларнинг тўлов карталарини барча тўлов терминаллари тармоғи орқали қабул қилиш имконини берадиган асосий халқаро тўлов тизимлари билан интеграциялаш жараёнини тугалласин;

е) 2018 йил 1 ноябрга қадар тижорат банклари билан биргаликда, айниқса, туристлар кўпроқ борадиган жойларда куну тун ишлайдиган автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчалари ташкил этилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон банклари ассоциациясига унинг банк хизматлари оммабоплигини оширишдаги ва банк фаолиятини такомиллаштиришдаги ролини кучайтиришга қаратилган, шу жумладан қўйидагиларни назарда тутувчи чоратадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш тавсия этилсин:

Ўзбекистон банклари ассоциацияси фаолияти самарадорлигини янада ошириш концепциясини тасдиқлаш;

банк тизими ходимларининг касбий маҳоратини ошириш, илғор халқаро тажрибадан келиб чиқиб, хорижий банклар билан тажриба алмашишни йўлга қўйиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда хорижий му-

тахассисларни жалб қилган ҳолда аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш юзасидан тадбирларни амалга ошириш;

банк хизматлари оммабоплигининг долзарб муаммолари юзасидан мавзуга оид изланишлар олиб бориш, халқаро тажрибани ўрганиш ва уни республика банк хизматлари бозорида қўллаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, банклар ва уларнинг мижозлари учун ахборот-таҳлилий ва консалтинг хизматларини ташкил этиш;

масофавий банк хизматлари кўрсатишни ривожлантириш бўйича замонавий ва илғор банк хизматлари турларини амалиётга жорий этиш ташаббусларини илгари суриш, янги ахборот технологияларини жорий этиш;

банк хизматларининг янги турлари ва маҳсулотларини аниқлаш ҳамда уларни кейинчалик республика банкларида жорий этиш мақсадида илғор чет эл банк фаолиятини ўрганиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар муддатда:

жамғариб бориладиган пенсия тизимидаги фуқаролар учун ҳисобланган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқароларнинг ҳисобланган суғурта бадаллари;

солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисобланган қарздорликлар; идентификациялаш учун жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектлари;

жисмоний шахсларнинг мулки ва бошқа олган даромадлари;

юридик шахсларнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги ахборотларни олиш имконини берувчи давлат органлари ва кредит бюроси ўртасида маълумотларни қайта ишлаш ва электрон алмашиш Ягона идоралараро ахборот тизимини яратсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тижорат банкларига филиаллар, мини-банклар ва автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчаларини ташкил этиш учун зарур бўлган ер участкаларини белгиланган тартибда ажратишда қўмақлашсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва тижорат банклари томонидан ишлаб чиқилган банкоматлар тармоғини қўшимча тарзда кенгайтиришнинг 2018 йилга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари 1-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

11. Тижорат банклари ва процессинг ташкилотлари томонидан олиб қилинадиган, божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 2020 йил 1 январгача бўлган муддатга озод этиладиган ускуналар, дастурий таъминот, бутловчи ва бошқа материаллар рўйхати 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

12. Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бир-

* 1-2-илова рус тилидаги матнда берилган.

галикда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан тақдим этиладиган тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг амалдаги механизмини банк кредитлари бўйича фоизли харажатларнинг айрим қисмларини қоплашда республика ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда табақалаштирилган ёндашув услубини қўллаш асосида қайта кўриб чиқсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг раиси М.Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 23 март,
ПҚ-3620-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

224 Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Сўнгги йилларда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича амалга оширилган ислохотлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари сезиларли даражада ошишига эришилди.

Айниқса, аҳоли томонидан хонадонларда барпо этилган иссиқхоналарда лимон етиштириш, 100 бошдан товуқ боқиш ташкил қилиниши натижасида 2017 йилнинг ўзида қўшимча 1,2 минг гектар майдонда лимонарий барпо этилди, 32 минг хонадонга 3,2 млн та 90 кунлик товуқ тарқатилиб, 2,3 млн дона тухум етиштиришга эришилди. Шунингдек, грек ёнғоғи, унаби каби инсон саломатлиги учун фойдали мевали кўчатлар экиш ташкил қилинди.

Шу билан бирга, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланишда қатор муаммо ва камчиликлар кузатилмоқда. Хусусан:

муайян экин тури, парранда ёки чорва молларини парваришlashдаги аҳолининг хоҳиши, тажрибаси ва шароити ҳисобга олинмаган;

тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда экинларни жойлаштириш, талаб қилинадиган уруғлик, ўғит, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари билан таъминлаш тизими самарали ишламади;

томорқа ер участкаларида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш, олдиндан шартнома тузиш ва аванс тўловини кафолатли амалга оширишда молиявий таъминот масалалари охиригача ўз ечимини топмаган;

хонадонларда парваришланаётган парранда, чорва молларини касалликларга қарши эмлаш, зарур миқдорда ем ва эмлаш препаратларини етказиб бериш хизматлари тўлақонли йўлга қўйилмаган.

Энг асосийси, фуқароларнинг ўзларига бириктириб берилган томорқа ерларидан қўшимча даромад манбаи сифатида фойдаланишдаги эътиборсизлиги, ердан фойдаланиш маданиятининг тўлақонли шаклланмаганлиги, соҳага оид қонунларда ердан хўжасизларча фойдаланиш ҳолларига нисбатан жавобгарлик механизми қатъий белгиланмаганлиги натижасида мавжуд 445 минг

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 23 мартда эълон қилинган.

гектар томорқа ер участкасининг 18,9 минг гектаридан самарасиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ-3318-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқа ер участкасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва томорқа ер участкасидан олинadиган даромадларни янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ;

Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларига қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, экиш ва парваришлаш, шунингдек, зарур моддий ресурслар етказиб берилишини мувофиқлаштирувчи республика ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда Республика ишчи гуруҳи деб аталади) таркиби 2-иловага мувофиқ;

Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларига қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, экиш ва парваришлаш, шунингдек, зарур моддий ресурслар етказиб берилишини мувофиқлаштирувчи республика ишчи гуруҳи аъзоларига бириктирилган худудлар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика ишчи гуруҳига (Мирзаев, Нарбаева) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда:

мазкур қарор билан тасдиқланган Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низом талабларининг тўлақонли бажарилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатиш;

деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда зарур бўлган ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, сифатли уруғлик ва кўчатларни ҳамда чорва моллари ва паррандалар учун озуқаларни жойларда (маҳаллада) сотиш ишларини ташкил этиш;

томорқа ер участкаларига қишлоқ хўжалиги экинларини оптимал муддатларда экиш, парваришлаш, зарарқунандалар, касалликлар ва бегона ўтларга қарши курашиш ҳамда боқиладиган чорва моллари ва паррандаларни эмлаш тадбирларини амалга оширишда соҳага оид илмий-текшириш институтлари, олимлар ва тажрибали аграрномларнинг амалий ёрдамларини ташкил этиш;

деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида етиштирилган ҳосил ёки маҳсулотларни сотиб олишнинг кафолатланган механизмни йўлга қўйиш мақсадида тайёрлов, қайта ишлаш ва экспорт қилувчи ташкилотларни аниқ худудларга бириктириш;

деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилишини мониторинг ва таҳлил қилиб бориш, умумлаштириш ва ҳар ой якунида кейинги ойнинг 5-санасигача камчиликларни бартараф этиш ва тизимни такомиллаштиришга доир Вазирлар Маҳкамасига маълумотлар ва таклифларни киритиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши қишлоқ ва овулларга сифатли уруғ ва кўчатлар етказиб бериш ишларини амалга ошириш, бунинг учун доимий ҳамда мавсумий ҳаракатланувчи савдо дўконларини ташкил қилишга шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

4. «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун зарур бўлган минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини жойларга етказиб бериш орқали деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига пуллик хизматлар кўрсатилишини ташкил этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида экишга мўлжалланган мевали ва манзарали кўчатларни қишлоқ ва овулларда сотиш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан ҳамкорликда оммавий ахборот воситалари орқали деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишнинг илғор тажрибалари ва иқтисодий фойдаси тўғрисида махсус кўрсатув ва эшиттиришларни мунтазам равишда ташкил этсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Т. Мирзаев ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 18 март,
205-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 18 мартдаги 205-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан
самарали фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини
юритиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида (кейинги ўринларда томорқа ер участкалари деб аталади) қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, парранда ва чорва молларини парвариш қилиш, мевали ва манзарали дарахтлар экиш ишларини тизимли ташкил этиш ҳамда томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш мониторингини юритиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

деҳқон хўжалиги — оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжалик;

томорқа ер участкаси — қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини эркин савдо ҳамда оила эҳтиёжлари учун етиштириш, шунингдек, якка тартибдаги уй-жой қурилиши ҳамда уй-жойни ободонлаштириш мақсадида оила аъзоларидан бирига умрбод эгалик қилиш учун мерос қилиб қолдириладиган қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ўлчамларда ажратиб бериладиган ер участкаси;

тўқсонбости экинлари — навбатдаги йилда эрта ҳосил етиштириш учун кеч кузда (ноябрь ойининг учинчи ва декабрь ойининг биринчи ўн кунлиги оралиғида) совуқ ва намгарчилик бошланмасдан олдин экиладиган совуққа чидамли сабзавот экинлари;

улгуржи истеъмолчилар — тайёрловчи, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар;

эртаки (эртапишар) экинлар — ҳудудларнинг табиий тупроқ-иқлим шароитлари ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда, қиш ва эрта баҳорда экиладиган картошка, сабзавот, полиз ва бошқа экинлар;

ўртаки (ўртапишар) экинлар — суғориладиган ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва қўшимча ҳосил олиш учун тўқсонбости усулида ва эрта баҳорда экилган экинлардан бўшаган майдонларга такрорий экин сифатида экиладиган картошка, сабзавот, полиз ва бошқа экинлар.

3. Томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш ушбу Низомнинг 1-иловасидаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

**2-боб. Томорқа ер участкаларида экиладиган экинлар
ҳамда боқиладиган чорва моллари ва паррандалар сонини
ўрганиш ва прогноз кўрсаткичларни шакллантириш,
тасдиқлаш ҳамда ижрога қаратиш тартиби**

4. Туман ҳокимининг қарорига мувофиқ томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш ҳолатини ўрганиш бўйича туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг раиси бошчилигида ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — ишчи гуруҳ деб аталади) ташкил этилади.

Ишчи гуруҳ таркибига туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади), туман қишлоқ хўжалиги бўлими, туман сув хўжалиги бўлими, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими, профилактика инспектори, туман касаба уюшмалари, хотин-қизлар қўмитаси, туман бандликка кўмаклашиш маркази, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгаши, туман давлат солиқ инспекцияси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар вакиллари киритилади.

Ишчи гуруҳ ўз ишларини самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 8 августдаги ПҚ–3182-сон қарори билан ташкил этилган секторлар кесимида бўлиниб, иш олиб боради. Сектор раҳбарлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ишчи гуруҳ фаолиятининг самарали олиб борилиши учун барча шароитларни яратишга масъулдир.

5. Ишчи гуруҳ томонидан ҳар йили декабрь-январь ойларида хонадон-ма-хонадон юриб томорқа ер участкалари майдонлари, тупроқ-иқлим шароити ва сув таъминотидан келиб чиқиб экин турлари, мевали дарахтлар тури ва сони, чорва моллари ва паррандалар сони, шунингдек, уларнинг йил давомида томорқа ер участкасида (эртаки, ўртаки ва тўқсонбости) етиштириладиган маҳсулот турлари ва сотиш ҳажмлари ҳамда иссиқхона барпо этиш, чорва моллари ва парранда боқишга бўлган хоҳиши ўрганиб чиқилади.

Ишчи гуруҳ томонидан ҳар бир ўрганилган хонадон бўйича ушбу Низомнинг 2-иловасидаги шаклда маълумотнома тўлдирилади ва Кенгашга тақдим этилади.

6. Ишчи гуруҳ томонидан тақдим этилган ўрганиш натижалари Кенгаш томонидан умумлаштирилади ва фуқаролар йиғини кесимида тайёрланган маълумотларни туман ҳокимига 10 февралгача тақдим этади.

Тақдим этилган маълумотлар туман ҳокими томонидан ўрганиб чиқилади ва 15 февралгача томорқа ер участкалари кесимида етиштириладиган экин ва маҳсулот турлари, уларни сотиш ҳажмлари, шунингдек, иссиқхоналар барпо этиш, мевали ва манзарали дарахтлар экиш ҳамда чорва моллари, паррандалар сотиб олиш прогноз кўрсаткичларини (кейинги ўринларда прогноз кўрсаткичлар деб аталади) тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашига тасдиқлаш учун киритилади.

7. Халқ депутатлари туман кенгаши 20 февралгача туман ҳокимининг

прогноз кўрсаткичлар тўғрисидаги қарорини ўз сессиясида кўриб чиқади ва тасдиқлайди.

8. Халқ депутатлари туман кенгашининг сессиясида тасдиқланган туман ҳокимининг прогноз кўрсаткичлар тўғрисидаги қарори нусхаси сектор раҳбарлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан 1 мартгача қарорда назарда тутилган деҳқон хўжаликлари бошлиқларига ва томорқа ер эгаларига уларнинг олганлигини тасдиқловчи имзо қўйдирган ҳолда етказилади.

3-боб. Томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш

9. Томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида сектор раҳбарлари қуйидагиларни амалга оширадilar:

томорқа ер участкасини шудгорлаш, экишга тайёрлашда пулли хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш;

томорқа ер участкалари учун уруғлик, кўчат, зарур минерал ўғит, кимёвий воситалар ҳамда чорва моллари ва паррандаларга озуқаларнинг жойида (махаллада) доимий савдосини, шунингдек, кўчма дўконлар орқали сотилишини ташкил этиш;

олдиндан тўлов амалга оширилган ҳолда экин турларини парваришлаш учун зарур моддий техник ресурсларни етказиб бериш, мевали ва манзарали дарахтларга шакл ва кимёвий ишлов беришни ташкил қилиш;

чорва моллари ва паррандаларга пулли зооветеринария хизматлари кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш;

иссиқхоналар барпо этиш, чорва моллари ва паррандалар харид қилиш ва бошқа зарур эҳтиёжлар учун молиявий кўмак (шу жумладан, банк кредитлари) берилишида ҳамда зарур материаллар таъминотида амалий ёрдам беришни ташкил этиш.

10. Кенгаш томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишда юзага келадиган муаммо ва камчиликларни мунтазам ўрганиб боради ва тегишли маълумотларни тайёрлаб туман ҳокимига тақдим этади.

4-боб. Томорқа ер участкаларида етиштирилган маҳсулотлар ҳисобини юритиш ва уларнинг сотилишини ташкил этиш

11. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томорқа ер участкаларида етиштирилган маҳсулотлар, шунингдек, боқиладиган чорва моллари ва паррандаларнинг аниқ ҳисобини юритиш мақсадида экинлар, маҳсулотлар ҳажми, сотилган, экспорт қилинган ва ички истеъмол учун қолган миқдорлари тўғрисида ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар Кенгашга ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ маълумот тақдим этади.

Кенгаш томонидан томорқа ер участкаларида етиштирилган маҳсулотлар ҳажми, шунингдек, ички истеъмолдан ортиқча қисмини сотиш бўйича туман ҳокимлигига маҳаллалар кесимида маҳсулот ҳажмлари кўрсатилган тақдимномалар киритиб борилади.

Томорқа ер участкаларида етиштирилган маҳсулотларнинг ички истеъмолдан ортиқча қисми сотилишини ташкил этиш мақсадида сектор раҳбарлари томонидан улгуржи истеъмолчи ташкилотларни, уларнинг хоҳишига кўра, ҳудудларга бириктириш ва улар томонидан томорқа ер участкаларида етиштирилган маҳсулотларни қабул қилиш шохобчаларини ташкил қилишни йўлга қўйиш, бозор маъмурияти билан эса етиштирилган маҳсулотни бевосита бозорда сотиш тўғрисида шартномалар тузилиши тизимли равишда ташкил этилади.

Шунингдек, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида хатловга биноан кўзланган мева кўчатлари ва сабзавотлар экиш учун зарурий кўчатлар ва уруғликлар етказиб бериш ва парваришlash давомида агротехнологик хизматлар кўрсатиш, етиштирилган маҳсулотларнинг тўловини амалга оширган ҳолда йиғиб олиш ҳамда захирага, қайта ишловчига, экспортёрларга етказиб берувчи томорқа-хизмат тузилмалари ташкил этилиши мумкин.

12. Улгуржи истеъмолчи ташкилотлар томонидан деҳқон хўжаликлари бошлиқлари ва томорқа ер эгаларидан харид қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турлари юзасидан ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар Кенгашга ва туман қишлоқ хўжалиги бўлимига ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ маълумот тақдим этиб боради.

13. Томорқа ер участкаларида боқиладиган чорва моллари ва паррандаларга кўрсатилган ветеринария хизматлари юзасидан туман ветеринария бўлими, минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар билан таъминлаш юзасидан «Агрокимёхимоя» АЖ туман филиали ва бошқа хизмат кўрсатувчи ташкилотлар деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига кўрсатилган хизматлар юзасидан ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасигача Кенгашга ҳамда туман қишлоқ хўжалиги бўлимига тегишли маълумот тақдим этиб боради.

5-боб. Томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш мониторингини юритиш ва натижаси юзасидан чоралар кўриш

14. Ишчи гуруҳ аъзолари сектор раҳбарлари билан биргаликда хонадон-ма-хонадон юриб туман ҳокимининг прогноз кўрсаткичлар тўғрисидаги қарорининг томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжалиги бошлиғи томонидан бажарилиши мониторингини амалга оширади.

Мониторинг ишларини ўтказиш, қоида тариқасида, экиш (март-апрель, август-сентябрь, ноябрь-декабрь ойлари) ва парваришlash даври бўйича белгиланади.

15. Томорқа ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлиги мониторингини юритиш жараёнида ишчи гуруҳнинг талабига биноан бошқа ташкилотлардан мутахассислар жалб этилиши мумкин.

16. Мониторинг натижасида экин ерларидан мақсадли ва самарали фойдаланиб, туман ҳокимининг прогноз кўрсаткичлар тўғрисидаги қарорида белгиланган экин турларини тўлиқ эккан, агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли бажарган, йилида камида икки ёки уч марта юқори ҳосил олган ҳамда томорқани ободонлаштирган, чорва моллари ва паррандаларнинг бош сонини сақлаган ва кўпайтиришга эришган томорқа ер эгасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ–3454-сон қарорининг 28-бандида назарда тутилган солиқ имтиёзларини қўллаш сифатида ер солиғи ставкасини пасайтирувчи коэффицентини қўллаш бўйича, ишчи гуруҳнинг маълумотномаси асосида, Кенгаш томонидан ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 15-санасигача туман ҳокимига ушбу Низомнинг 5-иловасига мувофиқ таклиф киритилади.

Туман ҳокими Кенгаш раиси билан биргаликда мазкур томорқа ер участкаси эгасига:

жорий йил учун ер солиғи бўйича имтиёз бериш юзасидан туман давлат солиқ инспекциясига тақдимнома киритади;

«Меҳнаткаш деҳқон» ва «Намунали томорқачи» кўкрак нишонлари бериш бўйича тегишли тавсияномаларни ўрнатилган тартибда тақдим этади.

17. Мониторинг натижасида томорқа ер участкаларида туман ҳокимининг прогноз кўрсаткичлар тўғрисидаги қарорида тупроқ-иқлим шароити ва сув таъминотидан келиб чиққан ҳолда белгиланган экин турлари ҳамда мевали ва манзарали дарахтлар экилмаганлиги, чорва моллари сотиб олинмаганлиги, иссиқхона барпо этилмаганлиги, шу жумладан ер участкаси ободонлаштирилмаганлиги аниқланса, ишчи гуруҳ томонидан ушбу Низомнинг 6-иловасига мувофиқ огоҳлантириш хати жойида тайёрланади ва унинг бир нусхаси тегишли деҳқон хўжалиги бошлиғи ёки томорқа ер эгасига берилади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ–3318-сон қарорининг талаблари тушунтирилиб, камчиликларни бартараф этиш учун бир ҳафталик муддат белгиланади.

Огоҳлантириш хатидаги муддат тугагандан сўнг ишчи гуруҳ томонидан деҳқон хўжалиги бошлиғи ва томорқа ер эгасининг манзилига бориб, йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилганлиги назорат тариқасида қайта ўрганилади. Ўрганиш натижасида илгари йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилмаган бўлса, бир кун муддатда бу ҳақда Кенгашга хабарнома киритилади. Кенгаш томонидан туман ҳокимлигига хабарнома ва огоҳлантириш хатлари илова қилинган ҳолда маълумот тақдим этилади.

18. Туман ҳокими Кенгаш раиси билан биргаликда ҳар чорак бўйича кейинги ойнинг 15 санасигача томорқа ер участкаларидан асоссиз равишда самарасиз фойдаланганлик ҳолати юзасидан:

а) томорқа ер эгасига жорий йил учун ҳисобланган ер солиғининг уч баробари миқдорини қўллашни сўраб туман давлат солиқ инспекциясига тақдимнома киритиш, бунда томорқа ер эгасига нисбатан йил давомида кўпи билан бир марта тақдимнома киритилади;

б) деҳқон хўжалигига нисбатан ер участкасига бўлган ҳуқуқини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиш бўйича чоралар кўрилади.

19. Туман давлат солиқ инспекцияси томонидан томорқа ер эгасига жорий йил учун ер солиғи бўйича имтиёз бериш ёки ҳисобланган ер солиғининг уч баробари миқдорини қўллаш тўғрисидаги тақдимнома беш кун муддатда кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинади.

6-боб. Яқунловчи қоида

20. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Тадбирлар	Масъуллар	Муддатлар
1-босқич	<p>Хонадонма-хонадон юриб томорқа ер участкалари майдонлари, тупроқ-иқлим шароити ва сув таъминотидан келиб чиқиб экин турлари, мевали дарахтлар тури ва сони, чорва моллари ва паррандалар сони, шунингдек, уларнинг йил давомида томорқа ер участкасида (эртаки, ўртаки ва тўқсонбости) етиштириладиган маҳсулот турлари ва сотиш ҳажмлари ҳамда иссиқхона барпо этиш, чорва моллари ва парранда боқишга бўлган аҳоли хоҳишини ўрганиб чиқиш.</p>	<p>Томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш ҳолатини ўрганиш бўйича туман ишчи гуруҳи</p>	<p>ҳар йили декабрь-январь ойларида</p>
2-босқич	<p>Ўрганиш натижаларини фуқаролар йиғини кесимида умумлаштириш ва туман ҳокимига тақдим этиш.</p>	<p>Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши</p>	<p>ҳар йили 10 февралгача</p>
	<p>Тақдим этилган маълумотларни ўрганиб чиқиш ва томорқа ер участкалари кесимида етиштириладиган экин ва маҳсулот турлари, уларни сотиш ҳажмлари, шунингдек, иссиқхоналар барпо этиш, мевали ва манзарали дарахтлар экиш ҳамда чорва моллари, паррандалар сотиб олиш прогноз кўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳамда Халқ депутатлари туман кенгашига тасдиқлаш учун киритиш.</p>	<p>Туман ҳокими</p>	<p>ҳар йили 15 февралгача</p>
	<p>Туман ҳокими қарорини Халқ депутатлари туман кенгаши сессиясида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>	<p>Халқ депутатлари туман кенгаши</p>	<p>ҳар йили 20 февралгача</p>
	<p>Халқ депутатлари туман кенгаши сессиясида тасдиқланган туман ҳокимининг прогноз кўрсаткичлар тўғрисидаги қарори нусхасини тегишли деҳқон хўжаликлари бошлиқларига ва томорқа ер эгаларига уларнинг олганлигини тасдиқловчи имзо қўйдириш орқали етказиш.</p>	<p>Сектор раҳбарлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари</p>	<p>ҳар йили 1 мартгача</p>

Босқичлар	Тадбирлар	Масъуллар	Муддатлар
3-босқич	Томорқа ер участкаларидан фойдаланишда юзага келаётган муаммо ва камчиликларни мунтазам ўрганиш ва тегишли маълумотларни тайёрлаб туман ҳокимига тақдим этиш.	Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши	ҳар йили мавсум давомида
4-босқич	Томорқа ер участкаларида етиштирилган маҳсулотлар, шунингдек, боқиладиган чорва моллари ва паррандаларнинг аниқ ҳисобини юритиш мақсадида экинлар ва маҳсулотларнинг ҳажми, шундан, сотилган, экспорт қилинган ва ички истеъмол учун қолган миқдорлари тўғрисида туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига маълумот тақдим этиб бориш.	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари	мавсум давомида ойда бир мартаба
5-босқич	Томорқа ер участкаларида етиштирилган маҳсулотлар ҳажми, шунингдек, ички истеъмолдан ортиқча қисмини сотиш юзасидан туман ҳокимлигига маҳаллалар кесимида маҳсулот ҳажмлари кўрсатилган тақдимномалар киритиб бориш.	Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши	мавсум давомида ойда бир мартаба
6-босқич	Деҳқон хўжаликлари бошлиқлари ва томорқа ер эгаларидан харид қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини турлари бўйича туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, туман қишлоқ хўжалиги ва туман сув хўжалиги бўлимларига маълумот тақдим этиб бориш.	Улгуржи истеъмолчилар	ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасигача
7-босқич	Туман ҳокимининг прогноз кўрсаткичлар тўғрисидаги қарорини томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжалиги бошлиғи томонидан бажарилишини хонадонма-хонадон юриб мониторингини олиб бориш.	Томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш ҳолатини ўрганиш бўйича туман ишчи гуруҳи аъзолари, сектор раҳбарлари	ҳар йили мавсум давомида
8-босқич	Мониторинг натижасида экин ерларидан мақсадли ва самарали фойдаланиб, туман ҳокимининг прогноз кўрсаткичлар тўғрисидаги қароридан белгиланган экин турларини тўлиқ эккан, агротехника тадбирларини ўз вақтида сифатли бажарган, йилига камида икки ёки уч марта юқори ҳосил олган ҳамда томорқани ободонлаштирган, чорва моллари ва паррандаларнинг бош сонини сақлаган ва кўпайтиришга эришган томорқа ер эгасига ер солиғини камайтирувчи коэффициент қўллаган ҳолда имтиёз бериш тўғрисида туман ҳокимига таклиф киритиш.	Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши	ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 15-санасигача

Босқич-лар	Тадбирлар	Масъуллар	Муддатлар
9-босқич	Томорқа ер участкаси эгасига жорий йил учун ер солиғи бўйича имтиёз бериш юзасидан туман давлат солиқ инспекциясига тақдимнома киритиш. «Меҳнаткаш деҳқон» ва «Намунали томорқачи» қўкрак нишонлари бериш бўйича тегишли тавсияномаларни ўрнатилган тартибда киритиш.	Туман ҳокими, Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши	ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 15-санасигача
10-босқич	Мониторинг натижасида томорқа ер участкаларида туман ҳокимининг прогноз кўрсаткичлар тўғрисидаги қарорида тупроқ-иқлим шароити ва сув таъминотидан келиб чиққан ҳолда белгиланган экин турлари ҳамда мевали ва манзарали дарахтлар экилмаганлиги чорва моллари сотиб олинмаганлиги, иссиқхона барпо этилмаганлиги, шу жумладан, ер участкаси ободонлаштирилмаган ҳолатларда ишчи гуруҳ томонидан огоҳлантириш хатини жойида тайёрлаш ва тегишли деҳқон хўжалиги бошлиғига ёки томорқа ер эгасига унинг бир нусхасини тақдим этиш.	Томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш ҳолатини ўрганиш бўйича туман ишчи гуруҳи	ҳар йили мавсум давомида
11-босқич	Огоҳлантириш хатидаги муддат тугагандан сўнг деҳқон хўжалиги бошлиғи ва томорқа ер эгасининг манзилига бориб, йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилганлигини назорат тариқасида қайта ўрганиш. Ўрганиш натижасида илгари йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилмаган бўлса, бир кун муддатда бу ҳақда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига хабарнома киритиш. Кенгаш томонидан туман ҳокимлигига хабарнома ва огоҳлантириш хатлари илова қилинган ҳолда маълумот тақдим этиш.	Томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш ҳолатини ўрганиш бўйича туман ишчи гуруҳи	ҳар йили мавсум давомида
12-босқич	Томорқа ер эгасига жорий йил учун ҳисобланган ер солиғининг уч баробари миқдорини қўллашни сўраб туман давлат солиқ инспекциясига тақдимнома киритиш, бунда томорқа ер эгасига нисбатан йил давомида кўпи билан бир марта тақдимнома киритилади. Деҳқон хўжалигига нисбатан ер участкасига бўлган ҳуқуқини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиш бўйича чоралар кўриш.	Туман ҳокими, Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши	ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 15-санасигача
13-босқич	Томорқа ер эгасига жорий йил учун ер солиғи бўйича имтиёз бериш ёки ҳисобланган ер солиғининг уч баробари миқдорини қўллаш тўғрисидаги тақдимномани кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилиш.	Туман давлат солиқ инспекцияси	беш кун муддатда

Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида
етиштириладиган маҳсулот турлари ва сотиш ҳажмлари,
иссиқхона барпо этиш, чорва моллари ва паррандани боқишга
бўлган хоҳишини ўрганиш натижаси юзасидан
МАЪЛУМОТНОМА**

_____ тумани _____ (маҳалла, овул)да яшовчи фуқаро (деҳқон хўжалиги бошлиғи) _____ (Ф.И.О.) хонадонни (ер участкаси)нинг умумий ер майдони _____ га, шундан _____ га иморат, _____ га очиқ майдон, _____ дона кўп йиллик дарахтлар, _____ бош қорамоллар, _____ кўй-эчкилар, _____ бош парранда мавжуд.

**Хонадон эгаси билан суҳбатлашиш жараёнида 20__ йилда
қуйидаги сабзавот, полиз маҳсулотлари экилиши
таклифи олинди:**

1. Эртаки (эртапишар) экинлар: жами _____ га, шундан _____ га пиёз, _____ га карам, _____ га полиз, _____ га картошка, _____ га сабзи, _____ га помидор, _____ га бодринг, _____ га кўкат, _____ га редиска, _____ га қулупнай.

Эртаки экинлар ўртача ҳосилдорлиги — 200 га/ц.

2. Ўртаки (ўртапишар) экинлар: жами _____ га, шундан карам, _____ га полиз, _____ га картошка, _____ га бақлажон, _____ га булғор қалампири, _____ га сабзи, _____ га помидор, _____ га бодринг, _____ га пиёз, _____ га.

Ўртаки экинлар ўртача ҳосилдорлиги — 250 га/ц.

3. Тўқсонбости экинлари: жами _____ га, шундан _____ пиёз, _____ га саримсоқпиёз, _____ га кўкат, _____ га.

Ўртаки экинлар ўртача ҳосилдорлиги — 200 га/ц.

4. Мевали дарахтлар: жами _____ туп, шундан гилос, _____ туп олма, _____ туп нок, _____ туп шафтоли, _____ туп ўрик, _____ туп беҳи, _____ туп ёнғок, _____ туп хурмо, _____ туп анор, _____ туп анжир, _____ туп узум.

Ўртаки экинлар ўртача ҳосилдорлиги — 150 га/ц.

Ўз эҳтиёжи учун _____ тонна, ички бозорга _____ тонна, экспортга _____ тонна.

5. Чорва моллари ва парранда: ҳозирги вақтда _____ бош қорамол, _____ бош кўй, _____ бош эчки, _____ бош товуқ, _____ бош қуён мавжуд. _____ га майдонга озуқа экинлари экилиши режалаштирилган.

2018 йилда _____ бош қорамол, _____ бош парранда кўшимча боқиш истагини билдирди.

Фуқаронинг ҳисоб-китобига кўра _____ бош қорамол учун _____ минг сўм, _____ та товуқ учун _____ сўм маблағ талаб этилмоқда. Ўз ҳисобидан _____ минг сўм.

Банк кредити олиш истаги бор (йўқ) _____

Бир нусхасини олдим _____

(имзо)

_____ қарорига асосан томорқадан самарали фойдаланилмаганда ёки юқоридаги экинлар экилиши таъминланмаганда _____ жарима сифатида қўлланилиши тушунтирилди.

_____ (имзо)

_____ (тўлдирган ишчи гуруҳи аъзоси)

_____ (имзо)

Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

_____ туманида ишчи гуруҳ аъзоси томонидан томорқа ер участкаларида етиштирилган маҳсулотлар ҳажми мониторингини юритиш бўйича 20__ йил _____ ҳолати бўйича
МАЪЛУМОТНОМА

Т/р	Деҳқон хўжалиги, томорқа ер эгаси (Ф.И.О.) (хонадон тартиб рақами)	Маҳсулот тури	Етиштирилиши лозим бўлган маҳсулот ҳажми (тн)	Амалда етиштирилган маҳсулот ҳажми (тн)		Етиштирилган маҳсулотнинг ишлатилиши			
				ҳафтада	мавсум бошидан	оила эҳтиёжи учун	шартнома асосида сотиш учун	бевосита бозорда чакана сотиш учун	қолдиқ
<i>a</i>	<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>6</i>	<i>7</i>	<i>8</i>	<i>9</i>
1									
2									
3									
4									
5									
6									
Жами									

Изоҳ: маҳсулотларнинг пишиб етилишига кўра, ҳар ҳафтада туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига маълумот тақдим этиб борилади.

Ишчи гуруҳ аъзоси

_____ (имзо)

Ф.И.О.

Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали
 фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш
 тартиби тўғрисидаги низомга
 4-ИЛЮВА

_____ туманида улгуржи истеъмолчи ташкилотлар томонидан деҳқон хўжаликлари бошлиқлари ва томорқа
 ер эгаларидан харид қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турлари бўйича 20__ йил _____ ҳолатига кўра
МАЪЛУМОТ

Т/р	Деҳқон хўжалиги, томорқа ер эгаси (Ф.И.О.) (хонадон тартиб рақами)	Маҳсулот тури	Шартномалар		Тўланиши зарур бўлган бўнак миқдори (минг сўм)	Амалда тўланган бўнак (минг сўм)	Амалда топширилган маҳсулотлар		Охирги ҳисоб-китоб учун ҳисобланган (минг сўм)	Шундан	
			ҳажми (тн)	суммаси (минг сўм)			ҳажми (тн)	суммаси (минг сўм)		тўлангани (минг сўм)	тўланиши зарур бўлгани (минг сўм)
<i>a</i>	<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>6</i>	<i>7</i>	<i>8</i>	<i>9</i>	<i>10</i>	<i>11</i>
1											
2											
3											
4											
5											
6											
	Жами										

Изоҳ: ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасигача туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига ва туман қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги бўлимига маълумот тақдим этиб борилади.

Улгуржи истеъмолчи ташкилот раҳбари

(имзо, муҳр)

Ф.И.О.

Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участка-
ларидан самарали фойдаланишни ташкил
этиш ва мониторингини юритиш тартиби
тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

_____ туман ҳокимига

**Томорқа ер эгасига жорий йил учун ер солиғи
имтиёзини қўллаш юзасидан
ТАКЛИФ**

_____ тумани _____ М.Ф.Й. нинг _____ қишлоғида
(овулда) яшовчи _____ томорқа ер эгаси томонидан 20__ йилда
ёки (20__ йилларда) __ га ер участкасидан самарали фойдаланиб, икки
(ёки уч) маротаба _____ экин турларини экиб,
_____ тонна ҳосил етиштирган.

Бундан ташқари, __ га иссиқхона барпо этган, __ дона (мевали
ва манзарали — керагининг тагига чизилади) дарахтлар эккан, __ бош
қорамол, __ бош қўй, __ бош эчки, __ бош товук, __ бош ўрдак, __
бош курка, __ бош ғоз, __ бош цесарка, __ бош бедана, __ бош туя-
қушларни сотиб олган (ўз ҳисобидан ёки банк кредити асосида — кераги-
нинг тагига чизилади).

Шунингдек, __ га ер участкаси ободонлаштирилган.

Юқоридагиларга кўра, қонун ҳужжатларига мувофиқ томорқа ер эгаси
фуқаро _____ га нисбатан солиқ имтиёзини
қўллаш масаласини кўриб чиқишингизни сўраймиз.

_____ туман фермер,
деҳқон хўжаликлари ва томорқа
ер эгалари кенгаши раиси
М.Ў.

/имзо/

Ф.И.О.

201__ йил «__» _____

_____ тумани

Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

ОГОҲЛАНТИРИШ ХАТИ

201__ йил «__» _____ тумани, «_____» М.Ф.Й.

Ишчи гуруҳ аъзоси (Кенгаш ходими) _____ ва ҳудудга бириктирилган давлат солиқ ходими _____, туманнинг _____ ҳудудида яшовчи томорқа ер эгаси (деҳқон хўжалиги бошлиғи) _____ ни томорқа ерларига бориб экин ер участкасидан самарали фойдаланиши аҳволини ўрганиб, қуйидагилар:

томорқа ер эгасининг (деҳқон хўжалиги бошлиғи) таклифига асосан тасдиқланган прогноз кўрсаткичларда кўрсатилган _____ га экинларни ҳамда _____ дона (мевали ва манзарали — *керагининг тагига чизилади*) дарахтлар экмаган, _____ га иссиқхона барпо этмаган, _____ бош қорамол, _____ бош қўй, _____ бош эчки, _____ бош товук, _____ бош ўрдак, _____ бош курка, _____ бош роз, _____ бош цесарка, _____ бош бедана, _____ бош туяқушларни сотиб олмаган (ўз ҳисобидан ёки банк кредити асосида — *керагининг тагига чизилади*), _____ га ер участкасини ободонлаштирмаганлиги аниқланди. Мазкур камчиликларни 10 кунлик муддатда бартараф этишингизни, акс ҳолда Сизнинг _____ га ер участкангизга ҳисобланган _____ сўм ер солиғининг уч баробари миқдорда ундирилиши ҳамда деҳқон хўжалиги билан ер участкасига бўлган ҳуқуқининг бекор қилиниши тўғрисида **ОГОҲЛАНТИРАМИЗ.**

_____ **Туман фермер,
деҳқон хўжаликлари ва томорқа
ер эгалари кенгаши**

/имзо/

(Ф.И.О.)

_____ **туман (шаҳар) давлат
солиқ инспекцияси ходими**

/имзо/

(Ф.И.О.)

Томорқа ер эгаси

/имзо/

(Ф.И.О.)

/огоҳлантиришнинг юқориги қисми деҳқон хўжалиги, томорқа ер эгасига берилади, пастки қисми _____ тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашида қолади/

Томорқа ер эгасининг (деҳқон хўжалиги бошлиғи) таклифига асосан тасдиқланган прогноз кўрсаткичларда кўрсатилган _____ га экинларни ҳамда _____ дона (мевали ва манзарали — *кераклисини тагига чизилади*) дарахтларни экмаган, _____ га иссиқхона барпо этмаган, _____ бош йирик шохли

моллар, __ бош майда шохли моллар, __ бош қўй, __ бош товук, __ бош ўрдак, __ бош курка, __ бош ғоз, __ бош цесарка, __ бош бедана, __ бош туяқушларни сотиб олмаган (ўз ҳисобидан ёки банк кредити асосида — *кераклиси тагига чизилади*), __ га ер участкасини ободонлаштирмаганлиги тўғрисидаги ҳолат 201__ йил «__» _____ куни аниқланган.

**Туман фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа
ер эгалари кенгаши**

/имзо/_____
(Ф.И.О.)

**Туман (шаҳар) давлат
солиқ инспекцияси ходими**

/имзо/_____
(Ф.И.О.)

Мазкур _____ томорқа ер участкасидан, _____ деҳқон хўжалиги еридан таклифим асосида қабул қилинган қарор ижросини таъминлашим тўғрисида огоҳлантириш хатини олдим. Белгиланган муддатда камчиликларни бартараф этмасликнинг ҳуқуқий оқибатлари тушунтирилди.

Томорқа ер эгаси

/имзо/_____
(Ф.И.О.)

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 18 мартдаги 205-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларига қишлоқ хўжалиги
экинларини жойлаштириш, экиш ва парваришлаш, шунингдек, зарур
моддий ресурслар етказиб берилишини мувофиқлаштирувчи
республика ишчи гуруҳи
ТАРКИБИ**

1. Мирзаев З.Т. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари,
Республика ишчи гуруҳи раҳбари
2. Нарбаева Т.К. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари —
Хотин-қизлар қўмитаси раиси, *Республика ишчи гуруҳи
раҳбари ўринбосари*
3. Мамутов Р.А. — Сув хўжалиги вазирлиги бош бошқарма бошлиғи
4. Қирғизбоев Ф.Д. — Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи
5. Асомов Д.Д. — Иқтисодиёт вазири ўринбосари
6. Тошқулов А.Ж. — Адлия вазири ўринбосари
7. Каримов А.Р. — Молия вазири ўринбосари
8. Мухитдинов Э.М. — Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи
ўринбосари
9. Турсунов Н.Т. — Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари
10. Рузметов М.И. — Давергеодезкадастр қўмитаси раиси ўринбосари
11. Икрамов А.А. — Давлат статистика қўмитаси раиси ўринбосари
12. Анарбоев М.Т. — Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер
эгалари кенгаши раиси ўринбосари
13. Махмадалиев Б.Х. — Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раиси ўрин-
босари
14. Жавлонов Ш.С. — Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолия-
тини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши
раисининг биринчи ўринбосари
15. Бозоров Т.Ш. — Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюш-
маси республика кенгаши раиси ўринбосари
16. Исмоилов А.С. — Ички ишлар вазирлиги Хуқуқбузарликлар профилакти-
каси бош бошқармаси бошлиғи
17. Тоғаев Б.М. — Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қиш-
лоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш
масалалари АТД бош мутахассиси, *Республика ишчи
гуруҳи котиби*.

*Изоҳ: Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига
ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли
функцияларни бажариши юкланган шахслар киритилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 18 мартдаги 205-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларига қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, экиш ва парваришlash, шунингдек, зарур моддий ресурслар етказиб берилишини мувофиқлаштирувчи Республика ишчи гуруҳи аъзоларига бириктирилган ҳудудларнинг
РЎЙХАТИ**

Т/р	Ҳудудлар номи	Ҳудудларга бириктирилган вазирлик ва идоралар	
		Ф.И.О.	лавозими
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	Турсунов Н.Т.	Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари
2.	Андижон	Тошқулов А.Ж.	Адлия вазири ўринбосари
3.	Бухоро	Каримов А.Р.	Молия вазири ўринбосари
4.	Жиззах	Мухитдинов Э.М.	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари
5.	Қашқадарё	Мамутов Р.А.	Сув хўжалиги вазирлиги бош бошқарма бошлиғи
6.	Навой	Рузметов М.И.	Давергеодезкадастр қўмитаси раиси ўринбосари
7.	Наманган	Бозоров Т.Ш.	Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши раиси ўринбосари
8.	Самарқанд	Анорбоев М.Т.	Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси ўринбосари
9.	Сурхондарё	Икрамов А.А.	Давлат статистика қўмитаси раиси ўринбосари
10.	Сирдарё	Асомов Д.Д.	Иқтисодиёт вазири ўринбосари
11.	Тошкент	Исмоилов А.С.	Ички ишлар вазирлиги Хуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бошлиғи
12.	Фарғона	Жавлонов Ш.С.	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши раиси биринчи ўринбосари
13.	Хоразм	Қирғизбоев Ф.Д.	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**225 Хорижий давлатлар ҳудудида фавқулодда вазиятлар оқиба-тида жабрланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

Хорижий давлатлар ҳудудида содир бўлган фавқулодда вазиятлар оқиба-тида жабрланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига тезкор ёрдам кўрсатишни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Хорижий давлатлар ҳудудида фавқулодда вазиятлар оқиба-тида жабрланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, хорижий давлатлар ҳудудида фавқулодда вазиятлар оқиба-тида жабрланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ёрдам кўрсатиш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан, белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари К.М. Арипов зим-масига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 18 март,
206-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 26 мартда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 18 мартдаги 206-сон қарорига
ИЛОВА

**Хорижий давлатлар ҳудудида фавқулодда вазиятлар
оқибатида жабрланган Ўзбекистон Республикаси
фуқароларига ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом хорижий давлатлар ҳудудида содир бўлган фавқулодда вазиятлар оқибатида жабрланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни ва ҳалок бўлганларни эвакуация қилиш чора-тадбирларини (кейинги ўринларда махсус тадбирлар деб аталади) амалга ошириш тартибини, шунингдек, ушбу жараёнга жалб этилган вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг асосий вазифалари ва функцияларини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши хорижий давлатлар ҳудудида бошқа ҳолатларда жабрланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига татбиқ этилмайди.

3. Вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари махсус тадбирларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикасининг ушбу соҳадаги халқаро шартномаларига, шунингдек, мазкур Низом талабларига амал қиладилар.

4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

фавқулодда вазият — одамлар қурбон бўлишига, уларнинг соғлиғига зарар етишига ҳамда ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса, табиий ёки бошқа офат натижасида муайян ҳудудда юзага келган ҳолат;

фавқулодда вазиятларда жабрланувчи — фавқулодда вазият содир бўлиши оқибатида шикастланган ёки моддий зарар кўрган шахс;

фавқулодда вазият ҳудуди — фавқулодда вазият манбаларининг пайдо бўлиши ёки унинг оқибатлари бошқа жойлардан тарқалиши натижасида фавқулодда вазият юзага келган ҳудуд ёки акватория.

**2-боб. Махсус тадбирларни ташкил этиш ва амалга
ошириш тартиби**

5. Махсус тадбирларни ташкиллаштириш ва амалга оширишга умумий раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 1 июндаги

ПФ–5066-сон Фармонига асосан ташкил этилган Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Ҳукумат комиссияси ҳамда тегишли ҳудудий комиссияларга юкланади.

Алоҳида ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига асосан махсус Ҳукумат комиссияси шакллантирилиши мумкин.

6. Махсус тадбирларни амалга оширишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (кейинги ўринларда ФВВ деб аталади), Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шунингдек, фавқулодда вазиятнинг хусусиятига кўра бошқа вазирлик ва идораларнинг масъул вакиллари-дан иборат махсус гуруҳ ташкил этилади.

Махсус тадбирларни амалга оширишни мувофиқлаштириш:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида — ФВВга;

хорижий давлатлар ҳудудида –Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига юкланади.

7. Хорижий давлатлар ҳудудида содир бўлган фавқулодда вазиятлар оқибатида жабрланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни ва ҳалок бўлганларни эвакуация қилиш тадбирлари ушбу Низомга илова қилинган схемадаги тартибда амалга оширилади.

Фавқулодда вазиятлар оқибатида жабрланганларни эвакуация қилиш, фуқароларнинг хорижий давлатларда бўлиши шароитларини (меҳнат фаолияти, ўқиш ва бошқаларни) ҳамда уларнинг хоҳишини ҳисобга олиб белгиланган тартибда амалга оширилади.

3-боб. Махсус тадбирларни ўтказишда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг асосий вазифалари ва функциялари

8. Қуйидагилар давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг махсус тадбирларни ўтказишдаги асосий вазифалари ҳисобланади:

жабрланганларга ёрдам кўрсатишга жалб этиладиган куч ва воситаларнинг доимий тайёрлигини таъминлаш;

хорижий давлатларнинг давлат органлари билан ўз фаолияти йўналиши бўйича ҳамкорликни ташкил этиш ва амалга ошириш, тезкор маълумотлар билан алмашиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирокида хорижий давлатлар ҳудудида фавқулодда вазиятлар юзага келиши хавфи ёки содир бўлганлиги тўғрисида маълумот келиб тушганда, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижроия ҳокимияти органларига тезкор маълумот алмашинувини амалга ошириш;

фавқулодда вазиятлар (хавфи) юзага келган хорижий давлатларга жўнаб кетиш мақсадида бириктирилган куч ва воситаларнинг йиғилиш жойига тезкор келишини таъминлаш;

фавқулодда вазият ҳудудида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича юкланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш;

жабрланган фуқароларни ва ҳалок бўлганларни Ўзбекистон Республикасига эвакуация қилиш (ташиш) бўйича тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш;

ҳалок бўлганларни оила аъзоларининг яшаш жойларига етказиш, уларни дафн этишда ёрдам бериш, оила аъзоларига тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

жабрланганларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш, шунингдек, тиббий реабилитация масалаларини ҳал этиш;

жабрланганларга, уларнинг ҳамда ҳалок бўлган фуқароларнинг оила аъзоларига тушунтириш ишларини ва психологик ёрдам кўрсатишни, шунингдек жамоат тартибини сақлашни таъминлаш.

9. Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар махсус тадбирларни ўтказиш бўйича асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) ФВВ:

хорижий давлатлар ҳудудида содир бўлган фавқулодда вазият оқибатида жабрланган (вафот этган) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тўғрисида тегишли вазирликлар ва идораларга тезда хабар ва маълумот беради;

фавқулодда вазият хусусияти ва даражаси, жабрланганлар ва ҳалок бўлганлар тўғрисида маълумотларни йиғади, умумлаштиради, таҳлил қилади ва тезкор маълумот алмашади;

махсус гуруҳ таркиби, куч ва воситаларни фавқулодда вазият ҳудудига етказиш (тегишли вазирлик ва идораларнинг ҳаво йўллари, темир йўллари ва автомобиль транспортларини жалб қилиш) ҳамда эвакуация тадбирларини амалга ошириш тартиби бўйича таклифлар тайёрлайди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига келишиш учун тақдим қилади;

учиш (жўнаб кетиш) учун буюртма беради, ҳаво кемасининг (темир йўл/автомобиль транспортининг) парвоз этиш (ҳаракатланиш) йўналишига аниқлик киритади ва келишади, парвознинг (ҳаракатланишнинг) вақти ва давомийлигини аниқлайди;

махсус гуруҳни жўнаб кетиш жойига ўз вақтида йиғиш ва етказишни ҳамда зарур мол-мулкларни (дорилар, қуруқ овқатлар, иссиқ кийим ва бошқаларни) олиб кетиш учун тайёрлашни ташкил қилади;

хорижий давлатларнинг қутқарув бўлинмалари билан ҳамкорликда, заруратга кўра, қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни, шунингдек, жабрланган фуқароларни ва ҳалок бўлганларни Ўзбекистон Республикасига эвакуация қилиш тадбирларини амалга оширади;

ҳалок бўлганларни улар оила аъзоларининг яшаш жойларига етказишда иштирок этади;

2) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органларини хорижий давлатда содир бўлган фавқулодда вазият ҳудудидаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, ушбу ҳудуддаги вазиятнинг ривожини тўғрисида хабардор қилади;

хорижий давлатлар ҳудудида фавқулодда вазиятлар хавфи юзага келганда ёки содир бўлганда Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўради;

фавқулодда вазият содир бўлган хорижий давлатларнинг давлат органлари билан биргаликда жабрланганларга тиббий ва бошқа ижтимоий ёрдам кўрсатилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хавфсиз жойларга эвакуация қилишда ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтиб келишларини ташкил этиш ишларини мувофиқлаштиради;

Консуллик уставига, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларига мувофиқ бошқа вазифалар ва функцияларни амалга оширади;

3) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг жалб этиладиган тузилмаларини фавқулодда вазият тўғрисида хабардор қилади, шунингдек, тегишли вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликни амалга оширади;

ФВВнинг талабномасига асосан, махсус гуруҳ куч ва воситаларини (махсус техника ва мулкларини) юбориладиган мамлакатга етказиш ва қайтариб олиб келиш, шунингдек, жабрланганлар ва ҳалок бўлганларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига эвакуация қилиш учун ҳаво транспортини тайёрлайди ва ажратилишини таъминлайди;

ФВВга ҳаво транспортининг жўнаб кетиш санаси, жойи, тайёргарлик муддати, вақти, шунингдек, ҳаракатланиш йўналиши тўғрисида олдиндан маълумот беради;

зарур ҳолатларда, ФВВнинг талабномасига асосан, ҳалок бўлганларни улар оила аъзоларининг яшаш манзилларига етказиб беришни таъминлайди;

4) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

идоравий мансуб бўлинмаларини содир бўлган воқеа тўғрисида хабардор қилади ва маълумотлар тўплашни амалга оширади;

хорижий давлатларнинг тергов органларига зарур тезкор-қидирув ва тергов тадбирларини ўтказишда кўмаклашади;

фавқулодда вазиятнинг юзага келиши ҳолатини аниқлаш, ҳалок бўлганларнинг шахсини аниқлаш, жабрланганлар ва ҳалок бўлганларнинг яқинлари ва қариндошларини республика ҳудудида қидириш бўйича зарур тезкор-тергов тадбирларини олиб боради;

зарур ҳолатларда махсус гуруҳ аъзолари учун четга чиқиш ҳужжатларининг дарҳол расмийлаштирилишини таъминлайди;

жамоат тартибини сақлаш ҳамда жабрланганларни ва ҳалок бўлганларни белгиланган жойларга етказиб боришда транспорт воситаларини кузатиб боришни ташкиллаштиради ва таъминлайди;

5) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

тегишли тиббиёт хизматлари ва муассасаларини фавқулодда вазият содир бўлганлиги тўғрисида огоҳлантиришни амалга оширади;

жабрланганларга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда хорижий ҳамкасбларига консултатив кўмаклашиш учун малакали мутахассислар гуруҳини тайёрлайди;

хорижий давлатларнинг тегишли тиббиёт муассасалари билан биргаликда, ҳодиса содир бўлган жойда жабрланганларга зарур тиббий ёрдам кўрсатишда иштирок этади;

жабрланганларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига эвакуация қилиш тадбирларининг тиббий таъминотини амалга оширади;

ташиш мумкин бўлмаган жабрланганларга чет элда тиббий ёрдам тадбирларини амалга оширишда хорижий давлатнинг тегишли тиббиёт муассасаларига кўмаклашади;

ҳалок бўлганлар ва жабрланганларнинг рўйхатини юритади;

жабрланганларга малакали ва ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишни, шунингдек, уларнинг тиббий реабилитациясини таъминлайди;

6) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

махсус тадбирларни ўтказиш даврида махсус гуруҳни узлуксиз алоқа (мобил алоқа, маълумотларни узатиш) билан таъминлаш ишларини ташкил этади ва амалга оширади;

махсус тадбирларни ўтказиётган махсус гуруҳни умумий фойдаланишдаги телекоммуникация воситалари ва идоравий телекоммуникация тармоқлари билан устувор тартибда таъминлайди;

ФВВнинг талабномасига асосан эвакуация тадбирларини ўтказиш даврида «Ўзбектелеком» АК телекоммуникация тармоқлари орқали «Тезкор алоқа»ни ташкил этиш ва фаолиятини таъминлашда кўмаклашади;

7) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари асосида, хорижий давлатлар ҳудудида содир бўлган фавқулодда вазиятлар оқиба-тида жабрланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни ва ҳалок бўлганларни эвакуация қилиш тадбирларини, мутахассисларни хорижий давлатга воқеа жойига етиб боришини ва Ўзбекистон Республикасига қайтиб келишини молиялаштиради;

8) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

идоравий мансуб бўлинмаларини содир бўлган воқеа тўғрисида хабардор қилади, шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирокида фавқулодда вазият содир бўлган хорижий давлатнинг божхона органлари билан ушбу давлатга махсус гуруҳни жўнатишда (қайтиб келишида), шунингдек, жабрланганларни ва ҳалок бўлганларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига эвакуация қилишда тегишли божхона назорати тадбирларини соддалаштирилган тартибда ўтказиш бўйича ҳамкорлик қилади;

9) Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати:

идоравий мансуб тегишли бўлинмаларини хабардор қилади, шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликни амалга оширади;

четга чиқувчилар чегара назоратидан ўз вақтида ўтказилишини, шунингдек, жабрланган фуқаролар етиб келганда (олиб келинганда) тегишли чегара назорати тадбирларининг соддалаштирилган тартибда амалга оширилишини таъминлайди;

10) «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси:

идоравий мансуб тегишли бўлиnmаларини хабардор қилади, шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликни амалга оширади;

ФВВнинг талабномасига асосан, махсус гуруҳ куч ва воситаларини (махсус техника ва мулкларини) юбориладиган мамлакатга етказиш ва қайтариб олиб келиш, шунингдек, жабрланганлар ва ҳалок бўлганларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига эвакуация қилиш учун ҳаво транспортини тайёрлайди ва ажратилишини таъминлайди;

ФВВга ҳаво транспортининг жўнаб кетиш санаси, жойи, тайёргарлик муддати, вақти, шунингдек, ҳаракатланиш йўналиши тўғрисида олдиндан маълумот беради;

зарур ҳолатларда, ФВВнинг талабномасига асосан, ҳалок бўлганларни улар оила аъзоларининг яшаш манзилларига етказиб беришни таъминлайди;

11) «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти:

идоравий мансуб тегишли бўлиnmаларини хабардор қилади, шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликни амалга оширади;

ФВВнинг талабномасига асосан, махсус гуруҳ куч ва воситаларини (махсус техника ва мулкларини) юбориладиган мамлакатга етказиш ва қайтариб олиб келиш, шунингдек, жабрланганлар ва ҳалок бўлганларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига эвакуация қилиш учун темир йўл транспортини тайёрлайди ва ажратилишини таъминлайди;

зарур ҳолатларда, ФВВнинг талабномасига асосан, ҳалок бўлганларни улар оила аъзоларининг яшаш манзилларига, шунингдек, жабрланганларни доимий яшаш жойларига етказишни таъминлайди;

12) Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги:

идоравий мансуб тегишли бўлиnmаларини хабардор қилади, шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликни амалга оширади;

ФВВнинг талабномасига асосан, жабрланганларни ва ҳалок бўлганларни ҳамда уларнинг қузатувчиларини тегишли манзилларга етказишни устувор равишда белгиланган тартибда таъминлайди;

13) «Ўзбекизоқовқатзахира» уюшмаси:

ФВВ талабномасига асосан, фавқулодда вазият содир бўлган ҳудудга кетаётган мутахассислар, шунингдек, жабрланган шахслар учун озиқ-овқат маҳсулотлари ва биринчи навбатдаги моддий бойликлар билан таъминлашни ташкил этади ва таъминлайди;

14) маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари:

тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, жабрланганларни ва ҳалок бўлганларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинган жойдан уларнинг оилалари истиқомат қилаётган жойларгача етказиш учун етарли миқдорда транспорт воситалари жалб этилишини таъминлайдилар;

ўзини ўзи бошқариш органларини жалб этган ҳолда ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига дафн маросимларини ўтказишда ёрдам берадилар;

нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб этган ҳолда жабрланганларга ва ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига белгиланган тартибда ижтимоий ёрдам кўрсатадилар;

ФВВ ва юқори давлат органларини амалга оширилган ишлар тўғрисида хабардор қиладилар;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш чоралари ва улар содир бўлганда ҳаракат қилиш бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари доимий равишда олиб борилишини ташкил этадилар;

15) Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги:

махсус тадбирларнинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкиллаштирадилар;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда телевидение, радиоканаллари ва Интернет орқали аҳоли ўртасида фавқулодда вазиятларда биринчи навбатда бажариладиган ишлар тўғрисида тушунтиришлар олиб борилишини таъминлайдилар.

4-боб. Яқунловчи қоида

10. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Хорижий давлатлар ҳудудида фавқулодда вазиятлар оқибаотида жабрланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Хорижий давлатлар ҳудудида содир бўлган фавқулодда вазиятлар оқибаотида жабрланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни ва ҳалок бўлганларни эвакуация қилиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Ижрочилар	Тадбир	Бажариш мuddатлари
I босқич	ФВВ, ТИВ, ИИВ	1. Оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, Интернет, ижтимоий тармоқлар), жисмоний ва юридик шахслар муурожаоти, чет мамлакатларнинг вазирликлари ва идоралари орқали хорижий давлат ҳудудида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирокида фавқулодда вазият (кейинга ўринларда ФВ деб аталади) содир бўлганлиги тўғрисида маълумот олиш.	ҳар куни
		2. ФВ тўғрисидаги маълумотларга аниқлик киритиш. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги консуллик хизматлари, хорижий давлатларнинг ФВларни бартараф этишга масъул ихтисослашган идоралари билан ахборот алмашиш.	20 дақиқа
		3. Махсус хабарномани Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек тегишли вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига етказиш.	20 дақиқа
	ФВВ, ТИВ, ИИВ, ССВ	4. Махсус гуруҳ таркибини шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девони билан келишиш.	1 соат
	ФВВ	5. Махсус гуруҳ аъзоларига куч ва воситаларни йиғиш жой ва вақтини етказиш.	20 дақиқа
	Мудофаа вазирлиги, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ	6. Транспорт воситаларини (ҳаво йўли, темир йўли) фавқулодда вазият ҳудудига учиш (жўнаш) учун тайёрлаш.	2 соат давомида
Махсус гуруҳ	7. Махсус гуруҳ куч ва воситаларини тайёрлаш ва йиғиш жойига етказиш. ФВ ҳудудига учиш (жўнаш).	3 соат давомида	
II босқич	ТИВ	8. Тегишли чет мамлакатга келган махсус гуруҳни хорижий давлат ҳукумати ва/ёки ФВларни бартараф этишга масъул ихтисослашган идоралар вакиллари билан учрашувини ташкил этиш.	етиб келгандан сўнг 1 соат давомида

Босқич-лар	Ижрочилар	Тадбир	Бажариш муддатлари
	Махсус гуруҳ	9. Хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорликда: қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни; жабрланганларга шошилч, ихтисослаштирилган тиббий ва психологик ёрдам кўрсатишни; тезкор-қидирув ва тергов тадбирларида иштирок этишни; жабрланганларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эвакуация қилишга тайёргарлик кўришни; фавқулодда вазиятларнинг сабаблари ва шароитлари тўғрисида ахборотнома тайёрлашни ташкил этиш ва амалга ошириш.	2 кундан ортиқ бўлмаган муддатда*
	Махсус гуруҳ раҳбари, ТИБ, Ахборот технологиялари вазирлиги	10. Бажарилган тадбирлар тўғрисида маълумот бериш.	ҳар 2 соатда, якуни бўйича — бир сутка ичида
	Божхона қўмитаси, ДХХ ДЧХҚҚ	11. Хорижий давлатнинг божхона ва чегара идоралари билан ҳамкорликда чегара ўтказиш масканларида тегишли назорат тадбирларини соддалаштирилган тартибда амалга ошириш.	қисқа муддатда
	Махсус гуруҳ	12. Жабрланганлар ва ҳалок бўлганларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эвакуация қилиш.	йўналишга мувофиқ
III босқич	Махсус гуруҳ	13. Махсус гуруҳнинг Ўзбекистон Республикасига қайтиши (ҳаво йўллари ва темир йўллар орқали). Жабрланганларни — тиббиёт муассасаларига, ҳалок бўлганларни — оила аъзолари истиқомат қилаётган ҳудудларга етказиш ишларини ташкил этиш.	1 соат*
	ССВ	14. Жабрланганларни қабул қилиш, уларни тиббиёт муассасаларига олиб бориш ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш.	қисқа муддатда
	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари	15. Ҳалок бўлганларни қабул қилиш, уларни оила аъзолари истиқомат қилаётган ҳудудларга етказиш ва дафн маросимларини ўтказишда ёрдам кўрсатиш.	бир сутка давомида
	ИИВ	16. Ҳалок бўлганларни белгиланган ҳудудларга етказишда транспорт воситаларини кузатиб бориш ва дафн маросимлари билан боғлиқ тадбирларни ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлашни таъминлаш.	бир сутка давомида
	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари	17. Жабрланганларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш, уларнинг тиббий реабилитацияси масалаларини ҳал этиш.	бир ҳафта мобайнида
		18. Жабрланган ва ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш.	бир ҳафта мобайнида

*) ФВнинг миқёси ва хусусияти, шунингдек тадбирларни ташкил этиш шароитларига кўра бажариш муддатлари узайтирилиши мумкин.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

226 Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида резервдаги ва захирадаги офицерларни тайёрлаш дастурлари бўйича ўқитиш учун талабаларни саралаш танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2984*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 октябрдаги 809-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида резервдаги ва захирадаги офицерларни тайёрлаш дастурлари бўйича ўқитиш учун талабаларни саралаш танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Мудофаа вазири

А. АЗИЗОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 5 декабрь,
33-сон

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

И. МАДЖИДОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 5 декабрь,
24-2017-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 25 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта-
махсус таълим вазирлигининг 2017 йил
5 декабрдаги 33, 24-2017-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида
резервдаги ва захирадаги офицерларни тайёрлаш
дастурлари бўйича ўқитиш учун талабаларни саралаш
танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Мудофаа тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 октябрдаги 809-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг (бундан буён матнда ОТМ деб юритилади) резервдаги ва захирадаги офицерларни тайёрлаш дастурлари бўйича ўқитиш учун талабаларни саралаш танловини (бундан буён матнда танлов деб юритилади) ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Чақирикқача ҳарбий таълим» йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлайдиган ҳарбий таълим факультетларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмаларига (бундан буён матнда ХТЎБ деб юритилади) талабалар танлов асосида ОТМда иккинчи курс (тўртинчи семестр) охирида квота доирасида танлаб олинади.

3. Танловнинг асосий мақсади суҳбатлашиш ва тушунтириш ишларини олиб бориш орқали талабаларнинг ҳарбий кафедрада ўқиш салоҳияти ва кейинчалик ҳарбий мутахассислик бўйича хизмат қилиши мумкинлигини белгилайдиган чақирикқача бошланғич тайёргарлик дастури асосида жисмоний ривожланиши ҳамда билим даражасини баҳолашдан иборат.

4. ХТЎБда таълим олиш учун талабалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 октябрдаги 809-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмалари тўғрисидаги низомда белгиланган талабаларга жавоб бериши зарур.

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири тегишли ўринбосарининг буйруғи билан танловни ташкил қилиш ва ўтказиш учун қабул комиссияси тузилади (бундан буён матнда танлов ўтказиш бўйича комиссия деб юритилади) ва қуйидаги таркибда унинг аъзолари тасдиқланади:

танлов ўтказиш бўйича комиссия раиси — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий аппарати масъул ходими;

танлов ўтказиш бўйича комиссиянинг котиби — ХТЎБ бошлиғи;

танлов ўтказиш бўйича комиссия аъзолари:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий аппарати масъул ходимлари;

тегишли ОТМнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорлари; ХТЎБнинг ўқитувчилари.

Танлов ўтказиш бўйича комиссия қабул йилининг январь ойидан сентябрь ойига қадар фаолият юритади.

6. Танлов ўтказиш бўйича комиссия танлов ўтказиш жараёнида керакли шароитлар яратилиши, жойларда танловларни ўтказиш талабларига қатъий риоя этган ҳолда тегишли равишда ташкил этилиши ва адолатли ўтказилиши, шунингдек уларнинг натижалари ҳолислиги учун жавобгар бўлади.

7. Танлов ўтказиш бўйича комиссия раиси:

танлов ўтказиш бўйича комиссиянинг ишини ташкил этади;

танлов ўтказиш бўйича комиссиянинг вазифаларини белгилайди;

кичик комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади.

8. Танлов ўтказиш бўйича комиссия ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири тегишли ўринбосарининг буйруғи билан қуйидаги кичик комиссиялар тузилади:

шахсий-руҳий ўрганиш бўйича кичик комиссия;

талабаларнинг умумжисмоний тайёргарлик кўрганлигини баҳолаш бўйича кичик комиссия;

талабаларнинг чақириққача бошланғич тайёргарлик дастури бўйича билим даражасини баҳолаш бўйича кичик комиссия.

2-боб. Танловни ўтказиш

9. Танлов ўтказилишидан олдин ОТМнинг турдош таълим йўналишларига эга факультетларида талабалар билан тушунтириш ишлари ташкил этилади. Бунда талабаларга танловни ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирлар, шу жумладан танловни ўтказиш муддатлари, талаб этиладиган ҳужжатлар, танловнинг асосий мезонлари тушунтирилади.

Тушунтириш ишлари январь-февраль ойларида ўтказилади.

10. ХТЎБда таълим олиш учун аризалар қабул йилининг январь-февраль ойларида қабул қилинади.

11. Талабалар томонидан ХТЎБда таълим олиш учун ХТЎБга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

ариза;

паспорт нусхаси;

рейтинг дафтарчаси нусхаси;

3 x 4 см ўлчамдаги 6 та фотосурат (бош кийимсиз).

12. Қуйидагилар ХТЎБда таълим олиш учун ўтказиладиган танловнинг асосий мезонлари ҳисобланади:

тиббий кўрик;
шахсий-руҳий ўрганиш;

ОТМда таълим олиш жараёнида ўзлаштирилган билим даражаси натижалари;

умумжисмоний тайёргарликни баҳолаш;

чақириққача бошланғич тайёргарлик дастури бўйича билим даражасини баҳолаш.

Ҳар бир мезонларни ўтказиш вақти ва жойи талабаларга улар ўтказилишидан камида 20 кун олдин етказилади.

13. Танлов ўтказиш жараёнларининг шаффофлиги ва холислигини таъминлаш мақсадида шахсий-руҳий ўрганиш, умумжисмоний тайёргарликни баҳолаш ҳамда чақириққача бошланғич тайёргарлик дастури бўйича билим даражасини баҳолаш жараёнлари узлуксиз равишда видеоёзувга туширилади.

14. Талабаларни ҳарбий хизматга яроқлигини текшириш бўйича тиббий кўрик ОТМ жойлашган жойдаги мудофаа ишлари бўйича бошқарманинг (бўлимнинг) тиббий комиссиялари томонидан ХТЎБ бошлигининг сўровномасига биноан Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 февралдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган Тинч ва ҳарбий даврда Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларида тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомга мувофиқ февраль-март ойларида ўтказилади.

Саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган талабалар кейинги босқичга қўйилмайди.

15. Шахсий-руҳий ўрганиш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг руҳшунос мутахассислари томонидан психологик тест ўтказиш орқали шахсий-руҳий ўрганиш бўйича кичик комиссия томонидан мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган методикага мувофиқ март-апрель ойларида ўтказилади.

Психологик тест натижалари бўйича қуйидаги хулосалардан бири чиқарилади:

ХТЎБга қабул қилиш учун тавсия этилади;

ХТЎБга қабул қилиш учун тавсия этилмайди.

Психологик тест натижалари бўйича ХТЎБга қабул қилиш учун тавсия этилмаган талабалар танловнинг кейинги босқичига қўйилмайди.

16. Талабанинг ОТМда таълим олиш жараёнида ўзлаштирилган билим даражасини баҳолаш натижаси ОТМдаги ХТЎБга қабул қилишдан олдинги ўқиш даврида тўпланган баллар йиғиндисидан ташкил топади.

Бунда талабанинг уч семестр давомидаги умумий ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи (ўзлаштириш тегишли равишда 55 баллдан 100 баллгача бўлган диапазонда ифодаланadi) аниқланади.

17. Талабанинг ОТМда таълим олиш жараёнида ўзлаштирилган билим даражасини баҳолаш натижалари мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда ОТМ томонидан расмийлаштирилади ва танлов ўтказиш бўйича комиссияга юборилади.

18. Талабаларнинг умумжисмоний тайёргарлигини баҳолаш комиссия

раиси томонидан тасдиқланган режа-жадвал асосида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланадиган жойларда талабаларнинг умумжисмоний тайёргарлик кўрганлигини баҳолаш бўйича кичик комиссия томонидан мазкур Низомнинг 3-илоvasида келтирилган методикага мувофиқ апрель-май ойларида ўтказилади.

Умумжисмоний тайёргарлик даражаси талабларига жавоб бермаган талабалар танловнинг кейинги босқичига қўйилмайди.

19. Талабаларнинг чақириққача бошланғич тайёргарлик бўйича билим даражасини баҳолаш тест ўтказиш усули ёрдамида тест ўтказиш бўйича кичик комиссия томонидан мазкур Низомнинг 4-илоvasида келтирилган методикага мувофиқ май-июнь ойларида ўтказилади.

20. Талабанинг танлов натижалари бўйича умумий бали унинг ОТМда таълим олиш жараёнида ўзлаштирилган билим даражасини баҳолаш натижасида аниқланган балини ва тест синовларида тўплаган балини қўшиш орқали аниқланади.

21. Талабаларни ХТЎБга қабул қилиш танловда тўплаган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

Танлов натижаларига кўра энг юқори балл тўплаган талабалар тегишли квота доирасида ўқишга қабул қилинади.

22. Бир хил минимал кириш балини тўплаган бир нечта талабалардан ОТМда таълим олиш жараёнида ўзлаштирилган билим даражасини баҳолаш натижалари бўйича кўп балл тўплаган талаба қабул қилинади.

23. Танлов натижалари бўйича мазкур Низомнинг 5-илоvasига мувофиқ шаклда баённома тузилади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

тиббий кўрик натижалари;

психологик тест синови натижалари;

ОТМда таълим олиш жараёнида ўзлаштирилган билим даражасини баҳолаш натижалари;

умумжисмоний тайёргарлик даражаси натижалари;

чақириққача бошланғич тайёргарлик бўйича билим даражасини баҳолаш натижалари;

талабанинг танловдаги умумий бали.

24. Танлов натижалари охириги тест синовлари ўтказилган куннинг эртасига эълон қилиниши шарт.

25. Танлов натижалари бўйича баённома икки нусхада расмийлаштирилади, танлов ўтказиш бўйича комиссия раиси, котиби ва аъзолари томонидан имзоланади, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг тегишли ўринбосари ва тегишли ОТМ ректорининг имзоси ҳамда муҳр билан тасдиқланади.

Баённоманинг бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига, иккинчи нусхаси ОТМ ХТЎБга юборилади.

26. Танлов натижалари бўйича тузилган баённомага асосан август ойининг учинчи ўн кунлигида ОТМ ректорининг буйруғига биноан талабалар харбий тайёргарликни ўташ учун қабул қилинади.

27. Танлов натижаларидан норози бўлган талаба ОТМда Ўзбекистон

Республикаси Мудофаа вазири тегишли ўринбосарининг буйруғи билан тузиладиган апелляция комиссиясига апелляция бериш ҳуқуқига эга.

28. Апелляция комиссияси таркибига танлов ўтказиш бўйича комиссия ва кичик комиссиялар фаолиятида иштирок этмаган, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий аппарати масъул ходимлари ҳамда ОТМ ходимлари орасидан комиссия раиси ва камида тўрт нафар, қоида тариқасида, ҳар бир танлов йўналиши бўйича биттадан аъзо киритилади.

Талаба танлов натижасидан норози бўлган тақдирда, танлов натижаси эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат давомида апелляция бериши мумкин. Талаба томонидан берилган апелляция апелляция комиссияси томонидан 24 соат ичида кўриб чиқилиши лозим.

3-боб. Яқуний қоида

29. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида резервдаги ва захирадаги офицерларни тайёрлаш дастурлари бўйича ўқитиш учун талабаларни саралаш танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Шахсий-руҳий ўрганиш МЕТОДИКАСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Шахсий-руҳий ўрганиш талабаларни мазкур Методикада белгиланган тартибда психологик тест синовидан ўтказиш орқали амалга оширилади.

2. Психологик тестлар, уларнинг жавоблари, баҳолаш мезонлари ва жавоблар бланклари чақирикқача бошланғич тайёргарлик дастури бўйича, қоида тариқасида, ҳар уч йилда бир маротаба Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Ижтимоий-психологик тадқиқотлар маркази томонидан қайта ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан тасдиқланади ҳамда ҳар йили психологик тест синовлари бошлангунга қадар шахсий-руҳий ўрганиш бўйича кичик комиссия (бундан буён матнда кичик комиссия деб юритилади) раисига юборилади.

3. Психологик тестлар, уларнинг жавоблари, баҳолаш мезонлари ва жавоблар бланклари кичик комиссия раисида сақланади ва у тестлар ва жавобларининг ошкор бўлиб кетмаслиги учун масъул ҳисобланади.

4. Дастлаб талабалар кичик комиссия таркибига киритилган мутахассислар томонидан шахсий-руҳий ўрганишни ўтказиш тартиби, шунингдек ҳар

бир вазифа бўйича тайёрланган тестларни ечганлик учун назарда тутилган баҳолаш мезонлари билан таништирилади ҳамда тегишли йўл-йўриқлар берилади.

2-боб. Шахсий-руҳий ўрганишни ўтказиш

5. Шахсий-руҳий ўрганиш якка тартибда ёки гуруҳ бўлиб ўтказилиши мумкин.

6. Шахсий-руҳий ўрганиш гуруҳ бўлиб ўтказилганда, хонада талабалар 40 нафардан ортиқ бўлмаслиги зарур.

7. Шахсий-руҳий ўрганиш давомида номзодларга бир нечта вазифа бўйича психологик тестлар берилади.

8. Психологик тестлар талабаларнинг қуйидаги шахсий-руҳий хусусиятларини аниқлашга йўналтирилади:

ақл-заковати, умумий интеллектуал салоҳияти ва хотираси;

мантикий фикрлаши, зийраклиги, тафаккур шаклларининг ривожланганлик даражаси, фикрлаш тезлиги ва таҳлил қилиш қобилиятлари;

шахсига хос индивидуал хусусиятлари, киришимлилиги, психик турғунлиги, самимийлиги.

9. Психологик тест бошлангунга қадар талабанинг соғлиғи суриштирилади. Ўзини ёмон ҳис қилаётганидан шикоят қилган талабалар ўрганишга қўйилмайди. Бундай ҳолатда далолатнома тузилади ва унга кейинги шахсий-руҳий ўрганишдан ўтиш учун қайта рухсат берилади.

10. Жавоблар варақасининг тўғри тўлдирилиши учун талаба шахсан жавобгар ҳисобланади.

11. Психологик тест синовлари ўтказиладиган хонага микрокалькулятор, луғат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари олиб кириш ва улардан фойдаланиш тақиқланади.

12. Психологик тест ўтказиш вақтида ўрганиш ўтказаётган шахслар талабаларни узлуксиз равишда кузатиб туради.

13. Барча топшириқлар бажариб бўлингандан сўнг талабалар жавоблар бланкаларини ўрганиш ўтказаётган мутахассислардан бирига топширади. Ўрганиш ўтказган мутахассислар жавоблар бланкаларини қабул қилишда уларнинг тўғри тўлдирилганлигига эътибор бериши зарур.

14. Вазифаларнинг барчасини муваффақиятли топширган талаба олий таълим муассасаси ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмасига кириш учун тавсия этилади ҳамда унга дастлабки танлашнинг кейинги тадбирларида иштирок этиш учун рухсат берилади.

15. Вазифаларни муваффақиятли топшира олмаган талабанинг такрорий тест синовларидан ўтишига йўл қўйилмайди.

3-боб. Якуний қоидалар

16. Шахсий-руҳий ўрганиш синовларини топширган талабаларга қайднома расмийлаштирилади.

17. Мазкур қайдномада талабалар томонидан тўпланган баллар ва шахсий-руҳий ўрганиш бўйича хулоса акс эттирилади.

18. Қайднома кичик комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

19. Шахсий-руҳий ўрганиш натижаларидан норози бўлган талаба унга нисбатан берилган хулосани асослантирувчи маълумот билан танишиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида резервдаги ва захирадаги офицерларни тайёрлаш дастурлари бўйича ўқитиш учун талабаларни саралаш танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

(олий таълим муассасаси номи, олий таълим муассасаси ректорининг Ф.И.О., имзоси)
20__ йил «___» _____

**Талабанинг олий таълим муассасасида таълим олиш
жараёнида ўзлаштирилган билим даражасини баҳолаш
НАТИЖАЛАРИ**

Т/р	Талабанинг Ф.И.О.	Семестр давомидаги умумий ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи			Уч семестр давомидаги умумий ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи
		1-семестр	2-семестр	3-семестр	
	<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида резервдаги ва захирадаги офицерларни тайёрлаш дастурлари бўйича ўқитиш учун талабаларни саралаш танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

Умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш МЕТОДИКАСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Талабаларнинг умумжисмоний тайёргарлиги даражаси уларнинг мазкур Методикада назарда тутилган тегишли машқларни бажаришини текшириш орқали баҳоланади.

2. Талабаларга дастлаб машқларни бажаришга қўйиладиган талаблар ва мезонлар ҳамда машқларни бажариш тартиби талабаларнинг умумжисмоний тайёргарлик кўрганлигини баҳолаш бўйича кичик комиссияси (бундан буён матнда кичик комиссия деб юритилади) таркибига киритилган мутахассислар томонидан тушунтирилади.

3. Умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тадбирларига талабалар спорт кийимида ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжати билан келишлари лозим.

4. Талабалар қуйидаги машқларни бажаради:

а) эркак талабалар учун:

турникда тортилиш;

100 метрга югуриш;

3000 метрга югуриш;

а) аёл талабалар учун:

куч ишлатиладиган машқлар комплекси;

100 метрга югуриш;

1000 метрга югуриш.

5. Машқлар оралигида талабаларга дам олиш учун камида 10 дақиқа вақт берилади.

6. Белгиланган машқларни узрсиз сабабларга кўра топширмаган ёхуд топширишдан бош тортган талабалар қониқарсиз баҳоланади.

2-боб. Машқларни бажаришга қўйиладиган талаблар ва мезонлар

7. Турникда тортилиш машқини бажаришда:

бош бармоқ поя ичкарасидан ушланади, тана бироз ростланади, тизза бўғими тўғирланади, оёқ учлари чўзилади, товонлар бирлаштирилади; ияк турник поясидан ўтгунга қадар қўллар букилади;

ҳаракат тўлиқ амалга оширилиши билан дастлабки ҳолатга қайтилади (осилиш ҳолати 1-2 сония давом этади).

Ушбу машқни бажаришда оёқларни кериш, танани ҳаракатсиз ҳолатда эгиш ҳамда оёқлар билан силтанма ҳаракатлар қилиш тақиқланади.

Жуфт тутилган оёқларни 45° гача букишга рухсат берилади.

8. Талабаларнинг турникда тортилиш машқи тўрт босқичли тизимда қуйидагича баҳоланади:

12 маротаба ва ундан кўп тортилганда — «аъло»;

10-11 маротаба тортилганда — «яхши»;

8-9 маротаба тортилганда — «қониқарли»;

1 — 7 маротаба ёхуд умуман тортила олмаганда — «қониқарсиз» деб баҳоланади.

9. Куч ишлатиладиган машқлар комплекси (тиббиёт ОТМ аёл талабалари учун) 1 дақиқа мобайнида бажарилади:

«Дикқат», «Машқни бажаришга киришилсин» командасига асосан биринчи 30 сонияда белда етган ҳолда максимал олдинга эгилиб қўл билан оёқ учига тегиш, қўллар белда, оёқлар бириктирилган (оёқларни билинмас даражада эгиш, дастлабки ҳолатга қайтгунча бел кураги билан ерга тегиш);

«Вақт» командасига асосан «ерда қўлга таянган ҳолда ётиш» ҳолатга қабул қилиб ва дам олмасдан 30 сония ичида максимал миқдорда ерда қўлга таянган ҳолда қўлни эгиш ва тиклаш (гавда тик ҳолатда, қўлни кўкрак ерга теккунча эгиш).

10. Куч ишлатиладиган машқлар комплекси тўрт босқичли тизимда қуйидагича баҳоланади:

32 маротаба ва ундан кўп бажарган тақдирда — «аъло»;

29 — 31 маротаба бажарган тақдирда — «яхши»;

26 — 28 маротаба бажарган тақдирда — «қониқарли»;

25 маротаба ва ундан камроқ бажарган тақдирда — «қониқарсиз» деб баҳоланади.

11. 100 метрга югуриш машқи:

юқори ёки қуйи стартдан амалга оширилади;

стадионнинг югуриш йўлакчаси ёки қаттиқ қопламли текис жойларда ўтказилади.

12. Талабаларнинг 100 метрга югуриш машқи тўрт босқичли тизимда қуйидагича баҳоланади:

а) эркак талабалар учун:

14,0 сония ичида бажарган тақдирда — «аъло»;

14,1 — 14,4 сонияда бажарган тақдирда — «яхши»;

14,5 — 15,2 сонияда бажарган тақдирда — «қониқарли»;

15,3 сонияда ва ундан кўп вақтда бажарган тақдирда — «қониқарсиз» деб баҳоланади.

б) аёл талабалари (тиббиёт ОТМ) учун:

16,8 сония ичида бажарган тақдирда — «аъло»;

16,9 дан 17,4 сониягача бажарган тақдирда — «яхши»;

17,5 дан 18,0 сониягача бажарган тақдирда — «қониқарли»;

18,1 сонияда ва ундан кўп вақтда бажарган тақдирда — «қониқарсиз» деб баҳоланади.

13. 3000 (1000) метрга югуриш машқлари стадионнинг югуриш йўлакчалари ёки текис жойларда, умумий ёки алоҳида старт берилган ҳолда ўтказилади. Старт ва марра чизиқлари бир жойда белгиланиши мумкин.

14. Эркак талабаларнинг 3000 метрга югуриш машқи тўрт босқичли тизимда қўйидагича баҳоланади:

12,40 дақиқа ва ундан камроқ вақт ичида бажарган тақдирда — «аъло»;

12,41 дақиқадан 13,20 дақиқагача бажарган тақдирда — «яхши»;

13,21 дақиқадан 14,00 дақиқагача бажарган тақдирда — «қониқарли»;

14,01 дақиқадан кўп вақтда бажарган тақдирда — «қониқарсиз» деб баҳоланади.

15. Аёл талабаларнинг 1000 метрга югуриш машқи тўрт босқичли тизимда қўйидагича баҳоланади:

4,25 дақиқа ва ундан камроқ вақт ичида бажарган тақдирда — «аъло»;

4,26 дақиқадан 4,40 дақиқагача бажарган тақдирда — «яхши»;

4,41 дақиқадан 5,00 дақиқагача бажарган тақдирда — «қониқарли»;

5,01 дақиқа ва ундан кўпроқ вақт ичида бажарган тақдирда — «қониқарсиз» деб баҳоланади.

16. Талабаларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашда камида битта «қониқарсиз» баҳо олган бўлса, умумжисмоний тайёргарлик синовларидан «ўтмаган» деб ҳисобланади.

17. Умумжисмоний тайёргарлик синовларидан ўтмаган талабаларга машқларни такрорий бажаришга рухсат берилмайди.

3-боб. Яқуний қоидалар

18. Умумжисмоний тайёргарлик синовларини топширган талабаларга қайднома расмийлаштирилади.

Мазкур қайдномада талабалар томонидан бажарилган машқлар ва улар учун қўйилган баҳолар кўрсатилади.

19. Қайднома талабаларнинг умумжисмоний тайёргарлик кўрганлигини баҳолаш бўйича кичик комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

20. Талабаларнинг умумжисмоний тайёргарлиги даражасини баҳолаш натижалари танловни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича қабул комиссиясига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида резервдаги ва захирадаги офицерларни тайёрлаш дастурлари бўйича ўқитиш учун талабаларни саралаш танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Чақириққача бошланғич тайёргарлик бўйича билим даражасини баҳолаш МЕТОДИКАСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Талабаларнинг чақириққача бошланғич тайёргарлик бўйича билим даражаси тест ўтказиш усули орқали аниқланади.

2. Тестга жалб қилинган талабалар рўйхати танлов ўтказиш бўйича комиссия томонидан тасдиқланиб, тест ўтказиш бўйича кичик комиссияга (бундан буён матнда кичик комиссия деб юритилади) тақдим этилади.

3. Тестни ўтказиш учун кичик комиссия томонидан чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик дастуридан тест саволлари ишлаб чиқилади.

4. Тест саволлари танлов ўтказиш бўйича комиссия мажлиси баёни билан тасдиқланади.

5. Тест саволлари ва уларнинг жавоблари танлов ўтказиш бўйича комиссия раисидан сақланади ва у уларнинг ошкор қилинмаслиги учун масъул ҳисобланади.

6. Тест ОТМнинг ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмаларида ўтказилади. Бунда тест ўтказиш учун олий таълим муассасалари томонидан алоҳида аудиториялар ажратилади ва ҳар бир аудиторияга олий таълим муассасалари ходимлари орасидан аудитория раҳбари тайинланади.

2-боб. Тест синовларини ўтказиш

7. Тест синовлари танлов ўтказиш бўйича комиссия томонидан белги-ланган кунда соат 9:30 да бошланади. Номзодлар соат 9:00 дан 9:20 гача тест ўтказиладиган аудиторияга киритилади.

Тест синовларига келмаган (соат 9:20 дан кейин тест ўтказиладиган аудиторияда бўлмаган) талабалар учун қўшимча тест синовлари ўтказилмайди.

8. Тест синовлари ўтказиладиган аудиторияга микрокалькулятор, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб кириш тақиқланади.

9. Талабага тест топшириқларини бажариш учун 40 та тест саволи берилади.

10. Тест саволларини ечиш учун 60 дақиқа вақт берилади.

11. Талабаларга бериладиган тест саволлари китоб шаклида бўлади ва унинг титул varaғида тест саволлари китобининг махсус коди қўйилади.

12. Ҳар бир тест саволида 4 тадан жавоб варианти берилади. Талабалар тест саволларини ечишда фақат битта тўғри жавобни белгилаши лозим.

Тўғри жавоб жавоблар варағига белгиланади. Бунда тест саволида берилган вариантлардан (А, В, С, D) бири ҳаворанг пастали шарикли ручкадан фойдаланилган ҳолда доирага олиш орқали белгиланади.

Тест саволида фақат битта тўғри жавоб белгиланиши лозим.

Жавобларни белгилашда ўчириш ва тузатишларга ҳамда бир нечта жавобни белгилашга йўл қўйилмайди.

Жавоблар тўғри белгиланиши учун талаба шахсан жавобгардир. Жавобларни нотўғри белгилаган талабаларнинг эътирози кўриб чиқилмайди.

Жавоблар варағига тест синовлари ўтказилган кун ва аудитория рақами, тест саволлари китобининг махсус коди, аудитория раҳбарининг Ф.И.О., тест саволларига берилган жавобларни текшириш натижалари ва текширилган шахснинг (шахсларнинг) Ф.И.О. ва имзоси кўрсатилади.

13. Тест синовлари вақтида талабанинг аудиториядан чиқиши тақиқланади, талабанинг соғлиғи ёмонлашган ҳолатлар бундан мустасно.

14. Талабага тест синовларини қайта топширишга рухсат берилмайди.

15. Тест синовларини ўтказиш вақтида тест синовлари ўтказилаётган аудиторияда талабалар, аудитория раҳбари, танлов ўтказиш бўйича комиссия ва кичик комиссия аъзоларидан ташқари бошқа шахсларнинг бўлиши тақиқланади.

16. Тест синовларини ўтказишни бошлашдан аввал аудитория раҳбари талабаларга тест синовлари ўтказиш тартибини тушунтириши шарт.

17. Тест топшириқларини белгиланган муддатдан олдин бажарган ёки тест топшириқларини бажариш учун ажратилган вақт тугагач, талабалар тест материалларини аудитория раҳбарига топширади.

18. Кичик комиссия аъзолари тест ўтказилган куннинг ўзида тест саволларига берилган жавобларни текшириб, натижаларни (тўғри ва нотўғри жавоблар сони) шу куннинг ўзида соат 15:00 гача тегишлича, ҳар бир талабанинг жавоблар варағига ёзиб қўйиши шарт.

19. Тест саволларига берилган ҳар бир тўғри жавоб учун 1,5 балл қўйилади.

3-боб. Якуний қоидалар

20. Тест синовлари натижалари (тўғри ва нотўғри жавоблар сони ҳамда умумий бали) кичик комиссия аъзолари томонидан имзоланган, кичик комиссия раиси томонидан тасдиқланган ҳолда шу куннинг ўзида соат 16:00 гача эълонлар тахтасига осиб қўйилади.

21. Тест синовлари натижалари (тўғри ва нотўғри жавоблар сони ҳамда умумий бали) кичик комиссия томонидан шу куннинг ўзида танлов ўтказиш бўйича комиссияга тақдим этилади.

22. Тест синови натижаларидан норози бўлган талаба унга нисбатан қўйилган балларни асослантирувчи маълумот билан танишиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида резервдаги ва захирадаги офицерларни тайёрлаш дастурлари бўйича ўқитиш учун талабаларни саралаш танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

(олий таълим муассасаси номи, олий таълим муассасаси ректорининг Ф.И.О., имзоси)

20__ йил «__» _____

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Мудофаа вазири ўринбосари

(унвони, Ф.И.О., имзоси)

20__ йил «__» _____

ҳарбий тайёргарлик ўқув

(олий таълим муассасасининг номи)

**бўлинмасига резервдаги ва захирадаги офицерларни тайёрлаш дастурлари бўйича ўқитиш учун талабаларни саралаш танлови натижалари бўйича
БАЁННОМА**

20__ йил «__» _____

(баённома тузилган эъй номи)

Т/р	Талабанинг Ф.И.О.	Тиббий кўрик натижа- лари	Шахсий- руҳий ўрганиш натижалари	Умум- жисмоний тайёргар- ликни баҳолаш натижалари	ОТМда таълим олиш жараёнида ўзлаштирил- ган билим даражасини баҳолаш натижалари	Чақириқ- қача бошлангич тайёргар- лик дасту- ри бўйича билим даражаси- ни баҳо- лаш нати- жалари	Талаба- нинг умумий бали
	1	2	3	4	5	6	7

Қабул комиссияси раиси:

(унвони, имзоси, Ф.И.О.)

Қабул комиссияси аъзолари:

(унвони, имзоси, Ф.И.О.)

(унвони, имзоси, Ф.И.О.)

(унвони, имзоси, Ф.И.О.)

Қабул комиссияси котиби:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

227 Йиллик меҳнат таътили вақтида сақланиб қолинадиган ўртача иш ҳақи миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2985

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги ПФ-5290-сон «2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида кўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Йиллик меҳнат таътили вақтида сақланиб қолинадиган ўртача иш ҳақи миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 февраль,
8-қ/қ-сон

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 февраль,
47-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
ҳамда Молия вазирлигининг 2018 йил
28 февралдаги 8-қ/қ, 47-сон қарорига
ИЛОВА

**Йиллик меҳнат таътили вақтида сақланиб қолинадиган
ўртача иш ҳақи миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги ПФ-5290-сон «2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги Фармониغا (бундан буён матнда Фармон деб юритилади) мувофиқ 2018 йилдан бошлаб расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунлар белгиланганлиги ва йиллик меҳнат таътили муддати ушбу кунларга камайтирилишини ҳисобга олган ҳолда йиллик меҳнат таътили вақтида сақланиб қолинадиган ўртача иш ҳақи миқдорини аниқлаш, шунингдек фойдаланилмаган меҳнат таътили учун пуллик компенсация тўловини (бундан буён матнда пуллик компенсация деб юритилади) ҳисоблаб чиқиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Йўриқноманинг талаблари бюджет ташкилотлари ходимларига нисбатан қўлланилиши мажбурий ҳисобланади, ҳарбий хизматчилар бундан мустасно.

Бюджет ташкилотлари ҳисобланмаган ташкилотларнинг ходимлари учун ушбу Йўриқноманинг талаблари тавсиявий хусусиятга эга.

2. Ушбу Йўриқноманинг талаблари ижтимоий таътиллارга (ҳомиладорлик ва туғиш, болаларни парваришлаш, ўқиш билан боғлиқ ва ижодий таътилларга), шунингдек Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 135-моддаси биринчи қисмига мувофиқ белгиланадиган йиллик узайтириладиган асосий таътилларга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Ўртача иш ҳақи миқдорини ҳисоблаб чиқишда қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бадалларини (давлат ижтимоий суғуртаси бўйича бадалларни) ҳисоблашдаги барча тўловлар ҳисобга олинади.

**2-боб. Меҳнат таътили вақтида ходимнинг сақланиб
қолинадиган ўртача иш ҳақи миқдорини аниқлаш ва
пуллик компенсацияни ҳисоблаб чиқиш**

**1-§. Меҳнатга вақтбай ҳақ тўлашда ўртача иш ҳақини
ҳисоблаб чиқиш**

4. Ўртача иш ҳақи ҳисоб-китоб кунда белгиланган тариф ставкасидан (лавозим маошидан) келиб чиқиб:

ташкilotда 12 ойдан ортиқ ишлаган ходимлар учун — меҳнат таътили ҳақи ҳисоб-китоб қилинаётган ойдан олдинги 12 ой учун олинган тариф ставкасидан (лавозим маошидан) ортиқ бўлган барча тўловларнинг ўн иккидан бир қисмига;

ташкilotда тегишли равишда 6 ойдан 11 ойгача ишлаган ходимлар учун — меҳнат таътили ҳақи ҳисоб-китоб қилинаётган ойдан олдинги 6 ва ундан ортиқ ойлар учун олинган тариф ставкасидан (лавозим маошидан) ортиқ бўлган барча тўловларнинг олтидан бир қисмига (тегишли равишда еттидан бир қисмига, саккиздан бир қисмига, тўққиздан бир қисмига, ўндан бир қисмига, ўн бирдан бир қисмига) оширилган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

1-мисол. Ходимга 7 ой ишлагандан кейин меҳнат таътили берилган. Ходимнинг ҳисоб-китоб кундаги тариф ставкаси 850 минг сўмни ташкил этди. Бутун ишланган даврда у 1 млн 500 минг сўм миқдорда мукофотлар, устамалар ва қўшимча ҳақлар олган. Меҳнат таътили ҳақини ҳисоблаб чиқиш учун ходимнинг ўртача иш ҳақи қуйидагини ташкил этади: $850 \text{ минг сўм} + (1 \text{ млн } 500 \text{ минг сўм} : 7) = 1 \text{ млн } 64 \text{ минг сўм}$.

Ходимларнинг ўртача иш ҳақлари ишлаган вақтига мутаносиб равишда тариф ставкаси (лавозим маоши) асосида аниқланади.

Ҳисоблаш кунига тўғри келадиган иш ҳақи бўлмаган ходимлар (масалан, вақтинчалик иш бўлмаганлиги учун иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилда бўлганлар, бола парваришида бўлганлар, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз бўлганлар) ёки ходимнинг ўртача иш ҳақи миқдори қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланганда, ўртача даромад ушбу даврдан олдинги ўтган ой учун ҳисобланган иш ҳақи асосида ҳисобланади.

5. Ўртача иш ҳақини аниқлашда мукофотлар ва тариф ставкасидан (лавозим маошидан) ортиқ ҳисобланган бошқа тўловлар улар ҳисобланган даврдан қатъи назар улар ҳисобланган ой бўйича ҳисобга олинади.

2-мисол. Жорий йилнинг июль ойида таътил олган ходимга биринчи ярим йиллик учун мукофот августда ҳисобланган. Мазкур мукофот жорий йил учун меҳнат таътили ҳақини ҳисоб-китоб қилишда ҳисобга олинмайди, кейинги таътилни ҳисоб-китоб қилишда ҳисобга олинади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 3 июлдаги 339-сон «Давлат хизматчиларининг лавозим маошларига йигирма фоизли устама ҳақ белгилаш тўғрисида»ги қарори билан меҳнатни рағбатлантириш коэффиценти белгиланган ходимларнинг тариф ставкаси (лавозим маоши) меҳнатни рағбатлантириш коэффицентини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

3-мисол. Ходимга у ишлаган йил (12 ой) учун меҳнат таътили берилган. Ходимнинг тариф ставкаси (лавозим маоши) ҳисоб-китоб кунда 850 минг сўмни ташкил этади. Шунингдек, 40% миқдорда меҳнатни рағбатлантириш коэффиценти белгиланган. Бутун ишлаган даврида 3 млн сўм миқдорда мукофотлар, устамалар ва қўшимча ҳақлар олган. Меҳнат таътили ҳақини ҳисоб-китоб қилиш учун ходимнинг

ўртача иш ҳақи қуйидагича ҳисобланади: $850 \text{ минг сўм} * 1,4 + (3 \text{ млн сўм} : 12) = 1 \text{ млн } 440 \text{ минг сўм}$.

2-§. Меҳнатга ишбай ҳақ тўлашда ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш

7. Ўртача иш ҳақи ҳисоб-китоб куни белгиланган ишлар тарификацияси бўйича ҳисоблаб чиқилган тариф ставкасидан келиб чиқиб:

ташкilotда 12 ойдан ортиқ ишлаган ходимлар учун — меҳнат таътили ҳақи ҳисоб-китоб қилинадиган ойдан олдинги 12 ой учун олинган, ишлар тарификацияси бўйича ҳисоблаб чиқилган ҳисоб-китоб тариф ставкасидан ортиқ бўлган барча тўловларни, шу жумладан ишбай қўшимча ҳақнинг ўн иккидан бир қисмига;

ташкilotда тегишли равишда 6 ойдан 11 ойгача ишлаган ходимлар учун — меҳнат таътили ҳақи ҳисоб-китоб қилинаётган ойдан олдинги 6 ой ва ундан ортиқ ойлар учун олинган ишлар тарификацияси бўйича ҳисоблаб чиқилган ҳисоб-китоб тариф ставкасидан ортиқ бўлган барча тўловларнинг, шу жумладан ишбай қўшимча ҳақнинг олтидан бир қисмига (еттидан бир қисмига, саккиздан бир қисмига, тўққиздан бир қисмига, ўндан бир қисмига, ўн бирдан бир қисмига) оширилиб ҳисоб-китоб қилинади.

8. Ходимнинг тариф ставкаси ташкilotда қўлланиладиган меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тариф сеткасига мувофиқ ходим томонидан бажариладиган ишларнинг белгиланган разрядидан келиб чиқиб белгиланади.

9. Ишбай қўшимча ҳақ ходим белгиланган меҳнат нормасини ортиғи билан бажарганда ҳосил бўлади ва ходим меҳнат таътили ҳақини ҳисоб-китоб қилиш учун қабул қилинган ҳар ойлик даврда олган амалдаги иш ҳақидан (мукофотлар, устамалар ва қўшимча ҳақларни ҳисобга олмаганда) ушбу Йўриқноманинг 8-бандига мувофиқ белгиланган тариф ставкасини айириб ташлаш орқали аниқланади.

Мукофотлар, устамалар ва қўшимча ҳақлар улар ҳисобланган даврдан қатъи назар ҳисобланган ой бўйича ҳисобга олинади.

4-мисол. 4-разрядли ходимига 2017 йил 3 декабрдан бошлаб таътил берилган. Ҳисоб-китоб куни тариф ставкаси 1 млн. 200 минг сўмни ташкил этади.

Ойлар	Ишбай нархлар бўйича ойлик иш ҳақи (минг сўм)	Шу жумладан:		Мукофотлар, устамалар ва қўшимча ҳақлар, ишбай қўшимча ҳақ бундан мустасно (минг сўм)
		тариф бўйича (тариф сеткаси бўйича) (минг сўм)	ишбай қўшимча ҳақ (минг сўм)	
Декабрь, 2016	1200	1000	200	-
Январь, 2017	1200	1000	200	250
Февраль, 2017	1550	1000	550	-
Март, 2017	1100	1000	100	-
Апрель, 2017	550	1000	-	300
Май, 2017	800	1000	-	-
Июнь, 2017	1300	1000	300	-

Ойлар	Иибай нархлар бўйича ойлик иш ҳақи (минг сўм)	Шу жумладан:		Мукофотлар, устамалар ва қўшимча ҳақлар, иибай қўшимча ҳақ бундан мустасно (минг сўм)
		тариф бўйича (тариф сеткаси бўйича) (минг сўм)	иибай қўшимча ҳақ (минг сўм)	
Июль, 2017	1350	1000	350	500
Август, 2017	1400	1000	400	-
Сентябрь, 2017	1500	1000	500	100
Октябрь, 2017	1700	1200	500	500
Ноябрь, 2017	1500	1200	300	-
Жами 12 ой учун	15150		3400	1650

Меҳнат таътили ҳақини ҳисоб-китоб қилиш учун қабул қилинган ходимнинг ўртача иш ҳақи 1 млн 200 минг сўмни ташкил этади: (ҳисоб-китоб кўни тариф ставкаси) $(3 \text{ млн } 400 \text{ минг} + 1 \text{ млн } 650 \text{ минг}) / 12 = 1 \text{ млн } 620 \text{ минг } 833 \text{ сўм}$.

3-§. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тарифсиз тизимларида ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш

10. Меҳнат таътили ҳақи миқдорини ҳисоблаб чиқиш учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг тарифсиз тизимларида (агар меҳнат ҳақининг умумий миқдоридаги иш ҳақининг тариф қисмини аниқлаш мумкин бўлмаса, масалан, агар даромад сотиладиган маҳсулотлар улуши сифатида аниқланса) ўртача иш ҳақи Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ягона тариф сеткаси бўйича белгиланган биринчи разряд тариф ставкаси миқдоридан келиб чиқиб, ҳисоб-китоб тариф ставкасидан ортиқ бўлган барча тўловларнинг ўн иккидан бир қисмига (олтидан бир қисмига, еттидан бир қисмига ва ҳоказо) оширилган ҳолда аниқланади.

5-мисол. Ходимга 2018 йил 10 январдан бошлаб тўлиқ календарь йили учун таътил берилади. Ходимнинг иш ҳақи меҳнат шартномасида белгиланган реализация қилинган маҳсулотдан ажратмалар ҳисобига шаклланади ва доимий ҳисобланади.

Ойлар	Иибай баҳолар бўйича иш ҳақи, (сўм)	Шу жумладан:		Мукофотлар, устамалар ва қўшимча ҳақлар, иибай қўшимча ҳақ бундан мустасно (сўм)
		тариф бўйича (тариф сеткаси бўйича), (сўм)	иибай қўшимча ҳақ (сўм)	
Январь, 2017	1200000	149775	1050225	250000
Февраль, 2017	1200000	149775	1050225	-
Март, 2017	1200000	149775	1050225	-
Апрель, 2017	1200000	149775	1050225	300000
Май, 2017	1200000	149775	1050225	-
Июнь, 2017	1200000	149775	1050225	-
Июль, 2017	1200000	149775	1050225	500000
Август, 2017	1200000	149775	1050225	-
Сентябрь, 2017	1200000	149775	1050225	100000
Октябрь, 2017	1200000	149775	1050225	500000
Ноябрь, 2017	1200000	149775	1050225	-
Декабрь, 2017	1500000	172240	1327760	
Жами 12 ой учун	14700000	1819765	12880235	1650000

Меҳнат таътили ҳақини ҳисоб-китоб қилиш учун қабул қилинган ходимнинг ўртача иш ҳақи қўйидагиларни ташкил этади: 172 минг 240 + (12 млн 880 минг 235 + 1 млн 650 минг) / 12 = 1 млн. 383 минг 093 сўм.

3-боб. Меҳнат таътили берилганда унинг муддатини аниқлаш ва пуллик компенсацияни ҳисоблаш

11. Меҳнат кодексининг 134-моддасига мувофиқ ходимга бериладиган йиллик меҳнат таътилининг муддати 15 иш кунидан кам бўлмаслиги керак. Бунда қонун ҳужжатларида ёхуд жамоа ва/ёки меҳнат шартномаларида йиллик асосий меҳнат таътилининг муддати белгиланиши мумкин.

12. Таътидан фойдаланиш даври бошланиши меҳнат шартномаси бўйича иш бошланган кундан бошлаб, охири эса, қонун ҳужжатларига ва ички локал ҳужжатларга мувофиқ меҳнат таътили муддатини аниқлаш учун иш стажига киритиладиган ўн икки ойлик даврнинг охирига календарь санаси бўйича белгиланадиган иш йилидан келиб чиқиб аниқланади.

6-мисол. Меҳнат шартномасига мувофиқ иш бошланган биринчи кун (ходим меҳнат мажбуриятларини бажаришга киришиши шарт бўлган кун) — 2016 йил 5 январь. Биринчи иш йилининг бошланиши — 2016 йил 5 январь, охири — 2017 йил 4 январь; иккинчи иш йилининг бошланиши 2017 йил 5 январь, охири — 2018 йил 4 январь ва ҳоказо.

13. Фармонга мувофиқ қонун ҳужжатларида ёхуд жамоа ва/ёки меҳнат шартномаларида белгиланган ходимлар меҳнат таътилининг (шу жумладан, ҳар йилги кўшимча таътилнинг) муддати:

18 ва ундан ортиқ иш кунини ташкил этса — уч иш кунига;

17 иш кунини ташкил этса — икки иш кунига;

16 иш кунини ташкил этса — бир иш кунига камайтиради.

7-мисол. Давлат муассасаси ходимларига 24 иш кунидан иборат асосий меҳнат таътили белгиланган. Фармон қоидаларини ҳисобга олганда натурада бериладиган меҳнат таътилининг амалдаги муддати 21 иш кунини ташкил этади (24 — 3).

8-мисол. Ташкилот ходимларига 16 иш кунидан иборат бўлган меҳнат таътили белгиланган. Фармон қоидаларини ҳисобга олганда натурада бериладиган меҳнат таътилининг амалдаги муддати 15 иш кунини ташкил этади (16 — 1).

9-мисол. Ташкилот ходимига 15 иш кунидан иборат меҳнат таътили белгиланган. Фармоннинг 3-бандининг тўртинчи хатбошисига мувофиқ натурада бериладиган меҳнат таътилининг амалдаги муддати 15 иш кунини ташкил этади.

14. Ушбу Ўўриқноманинг 13-банди қоидаларини ҳисобга олганда 2018 йилда меҳнат таътилининг биринчи куни:

3 январдан 21 мартгача бўлган даврга тўғри келса ходимларнинг меҳнат таътили муддати — 1 иш кунига;

21 мартдан 1 сентябргача бўлган даврга тўғри келса ходимларнинг меҳнат таътили муддати — 2 иш кунига;

1 сентябрдан 2018 йилнинг охиригача бўлган даврга тўғри келса ходимларнинг меҳнат таътили муддати — 3 иш кунига камаяди.

10-мисол. Ходимнинг таътиллари жадвали бўйича 24 иш кунидан иборат бўлган меҳнат таътили 2018 йил 4 январдан бошланади. Меҳнат таътили берилмаган иш йилида Фармонда белгиланган фақат битта қўшимча ишланмайдиган кун бўлганлигини ҳисобга олиб, натурада берилган унинг меҳнат таътили муддати 23 иш кунини ташкил этади (24 — 1).

Агар ушбу ходимнинг меҳнат таътили 2018 йил 1 апрелдан берилса, у ҳолда унинг таътили натурада 22 иш кунини ташкил этади (24 — 2).

15. Таътил муддати 6 кунлик иш ҳафтаси ҳисоб-китобидан (ташкilotда 5 кунлик иш ҳафтаси белгиланган бўлса ҳам) календарь бўйича иш кунларида ҳисоблаб чиқилади.

16. Таътил кунларини ҳисоб-китоб қилишда меҳнат таътили даврига тўғри келадиган дам олиш (якшанба), иш куни бўлмаган байрам кунлари, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган қўшимча ишланмайдиган кунлар ҳисобга олинмайди.

17. Ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқилмайдиган таътил муддати (пуллик компенсация миқдорини ҳисоблаб чиқишда ва меҳнат шартномаси бекор қилинганда меҳнат таътилидан фойдаланишда) ушбу Йўриқноманинг 12-бандига мувофиқ белгиланган меҳнат таътили муддатининг миқдорини ўн иккига бўлиш ва ушбу иш йилидаги ишланган тўлиқ ойлар сонига кўпайтириш орқали аниқланади. Бунда 15 календарь кунига ва ундан ортиққа тенг бўлган ортиқча кунлар (тўлиқ ишланган охиригача ойдан ортиқ кунлар) бир ойгача тўлдирилади, 15 календарь кунидан кам бўлган ортиқча кунлар эса чиқариб ташланади.

*11-мисол. Ходим 9 ой 17 кун ишлади. Меҳнат шартномаси бўйича унинг йиллик меҳнат таътили 15 иш кунини ташкил этади. Ишланган вақтга мутаносиб белгиланган меҳнат таътили муддати 13 иш кунини ташкил этади (15 * 10 / 12).*

4-боб. Меҳнат таътили ҳақи ва пуллик компенсация миқдорини белгилаш

18. Меҳнат таътили ҳақи миқдорини ҳисоб-китоб қилиш учун қабул қилинган (ушбу Йўриқноманинг 2-боби қоидаларига мувофиқ) ўртача иш ҳақини Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан тасдиқланадиган ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эълон қилинадиган ҳар бир календарь йилга иш вақти календари (иш вақти баланси) бўйича аниқланган олти кунлик иш ҳафтасида жорий

календарь йилдаги иш кунларининг ўртача ойлик сонига бўлиш орқали ҳисоблаб чиқиладиган ходимнинг ўртача кунлик иш ҳақидан келиб чиқиб аниқланади.

12-мисол. 3-мисолга кўра 2018 йил январда таътилга чиқаятган ходимнинг меҳнат таътили ҳақи миқдорини ҳисоблаб чиқиш учун белгиланган ўртача ойлик иш ҳақи 1 млн. 440 минг сўмни ташкил этди.

2018 йилга мўлжалланган иш вақтининг тасдиқланган календарига мувофиқ олти кунлик иш ҳафтасида иш вақтининг йиллик фонди 301 иш кунини ташкил этади. Тегишли равишда иш вақтининг ўртача ойлик баланси 25,1 иш кунини ташкил этди.

Меҳнат таътили ҳақи миқдорини аниқлаш учун қабул қилинган ўртача кунлик иш ҳақи 57 минг 370 сўмни ташкил этади (1 млн 440 минг : 25,1).

19. Ходимга тегишли бўлган меҳнат таътили ҳақининг миқдорини ҳисоблаш ушбу Йўриқноманинг 18-бандига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган ўртача иш ҳақини ушбу Йўриқноманинг 13, 14 ва 16-бандларига мувофиқ натурада бериладиган меҳнат таътилининг иш кунлари сонига кўпайтириш орқали амалга оширилади, бунда Фармонда белгиланган қўшимча дам олиш кунларининг амалда фойдаланилган сонини ўртача кунлик иш ҳақига кўпайтириш орқали аниқланган меҳнат таътили ҳақи суммаси қўшилади.

13-мисол. Жамоа ёки меҳнат шартномасига мувофиқ ходимга 24 кундан иборат бўлган меҳнат таътили берилиши керак. Фармонга мувофиқ қўшимча ишланмайдиган кунлар белгиланиши ҳисобига меҳнат таътили уч иш кунига қисқартирилади. Меҳнат таътили натурада 21 иш кунини ташкил этади (24 — 3).

Меҳнат таътил миқдорини аниқлаш учун ўртача кунлик иш ҳақи 57 минг 370 сўмни ташкил этади (12-мисолда бўлгани каби).

*Ҳисобланиши керак бўлган меҳнат таътили ҳақи миқдори 1 млн 376 минг 9 сўмни ташкил этади (21 * 57370 + 3 * 57370).*

5-боб. Меҳнат таътил миқдорини қайта ҳисоблаш

20. Ходим меҳнат таътилида бўлган даврда тариф ставкалари (лавозим маошлари) миқдори оширилган тақдирда, ташкилотнинг янги меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари асосида ишлайдиган кунларига тўғри келадиган амалдаги иш кунлари сонидан келиб чиқиб, меҳнат таътили ҳақи қайта ҳисоб-китоб қилинади, яъни иш ҳақи оширилган вақтдан бошлаб таътил тамом бўлган кунгача бўлган давр учун ўртача иш ҳақининг бир қисмига тузатиш киритилади.

14-мисол. Ходимга тўлиқ иш йили учун 2018 йил 14 февралдан бошлаб (шартли равишда) 21 иш кунидан иборат бўлган таътил натурада берилди. Унинг тариф бўйича иш ҳақи (лавозим маоши) меҳнатни рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда 900 минг сўмни ташкил этди. 2018 йил 1 мартдан бошлаб лавозим маоши 15 фоизга

ошди ва меҳнатни рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олганда 1 млн 35 минг сўмни ташкил этди.

Ишланган давр учун ходимга 2 млн. сўм миқдорда мукофот тўланди.

Таътилга чиққанда (2018 йил 14 февралгача) ходимга қуйидаги миқдорда меҳнат таътили ҳақи ёзилди: $((900 + 2000 / 12) / 25,1 * 21) + (900 + 2000 / 12) / 25,1 * 3) = 1$ млн 19 минг 920 сўм.

2018 йилнинг март ойига тўғри келадиган 8 иш куни учун янги шартлар асосида тўлов қайта ҳисоб-китоб қилинади: март ойига тўғри келадиган 8 иш куни учун янги лавозим маоши бўйича ҳисоб-китоб қилинган меҳнат таътили ҳақи 383 минг сўмни ташкил этади $((1035 + 2000 / 12) / 25,1 * 8)$, айни вақтда март ойининг ўша 8 куни учун аввал 340 минг сўм миқдорда меҳнат таътили ҳақи ёзилган эди $((900 + 2000 / 12) / 25,1 * 8)$. Демак, ходимга 43 минг 28 сўм миқдорда қўшимча меҳнат таътили ҳақи ёзиш зарур.

21. Ходим таътилдан чақириб олинса ва таътилнинг қолган қисми бошқа муддатга кўчирилса, таътилнинг кўчирилган кунларига тўғри келадиган тўланган ўртача ойлик иш ҳақи суммаси бажарилган иш ёки ишланган вақт учун ойлик иш ҳақи ҳисобига ёзилади. Таътилнинг фойдаланилмаган қисми кунларига ҳақ тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақи белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқилади.

Таътил қисмларга бўлинганда сақлаб қолинаётган ўртача ойлик иш ҳақи ушбу Йўриқномада белгиланган тартибда ҳар бир қисм учун алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

6-боб. Яқуний қоидалар

22. Ушбу Йўриқномада белгиланган тартибга риоя этилмаганда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортилишига асос бўлади.

23. Мазкур Йўриқнома Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

Иқтисодиёт вазири

Б. ХЎЖАЕВ

2018 йил 28 февраль

*Қасаба уюшмалари Федерацияси
Кенгаши раиси*

К. РАФИКОВ

2018 йил 28 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

228 Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2775-1

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сон «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сон «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги 275-сон «Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 3 мартдаги 10, 2016-06-сон қарори (рўйхат рақами 2775, 2016 йил 7 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 14-сон, 135-модда) билан тасдиқланган Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтариш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 1 март,
39-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 мартда эълон қилинган.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси****Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 1 март,
2018-22-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2018 йил 1 мартдаги
39 ва 2018-22-сон қарорига
ИЛОВА

**Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш
натijasида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солигининг
ортиқча суммаси солиқ тўловчининг банкдаги ҳисоб
варағига қайтариш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддимадан «ёзма» деган сўз чиқариб ташлансин.

2. 4-бандда:

биринчи хатбошидан «ёзма» деган сўз чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбошидаги «ёзма ариза» деган сўзлар «ариза» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. 5-банддаги «йигирма кун» деган сўзлар «ўн беш иш куни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 6-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«6. Ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги ҚҚСнинг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтариш тўғрисидаги ёзма шаклда ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон ҳужжат тарзида юборилган аризани (бундан буён матнда ариза деб юритилади) солиқ тўловчи томонидан ҳудудий давлат солиқ бошқармасига (бундан буён матнда ДСБ деб юритилади) қуйидаги ҳужжатлар уч нусхада илова қилинган ҳолда тақдим этилади:».

5. 7-бандда:

биринчи хатбошидаги «тўрт» деган сўз «уч» деган сўз билан алмаштирилсин;

«г» кичик банднинг биринчи хатбошисидаги «эркин муомаладаги» деган сўзлар «миллий» деган сўз билан алмаштирилсин.

6. 8-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ДСИга тўрт нусхада» деган сўзлар «ДСБга уч нусхада» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 9-бандда:

биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

иккинчи ва учинчи хатбошилар тегишлича биринчи ва иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

биринчи хатбошидаги «хужжатлар тўпламига ДСИ» деган сўзлар «ариза ва илова қилинадиган хужжатларга (бундан буён матнда хужжатлар тўплами деб юритилади) ДСБ» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 10-банддаги «ДСИ» қисқартмаси «ДСБ» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

9. 11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Хужжатларни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига (бундан буён матнда Давлат солиқ қўмитаси деб юритилади) беришга қарор қабул қилинганда ДСБ солиқ тўловчининг аризаси олинган кундан бошлаб 3 иш кунидан кечиктирмай:

солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ тўловчининг банк ҳисоб-варағига қайтариладиган ҚҚСнинг ортиқча суммаси ҳисоб-китобининг барча нусхаларини тасдиқлайди;

ушбу Низомнинг 7-иловасига мувофиқ шаклда ҚҚСнинг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги хулосани (бундан буён матнда Хулоса деб юритилади) расмийлаштиради ва уни кейинчалик кўриб чиқиш учун Давлат солиқ қўмитасига тақдим этади.

Давлат солиқ қўмитасига юборилаётган Хулосага солиқ тўловчи тақдим этган хужжатларнинг икки нусхаси тегишли рўйхат билан биргаликда илова қилинади. Хужжатларнинг бир нусхаси ДСБда сақлаш учун қолдирилади.

Бунда солиқ тўловчидан хужжатлар тўпламини қабул қилган ДСБ Хулосага илова қилинаётган хужжатларнинг барча нусхаларининг айнан бир хиллиги, шунингдек уларнинг бутлиги учун жавобгар ҳисобланади.»

10. 12-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. 13-бандда:

биринчи хатбошидаги «давлат солиқ бошқармаси томонидан келишилган Хулоса олинган кундан бошлаб 4 иш» деган сўзлар «ДСБ томонидан келишилган Хулоса олинган кундан бошлаб 6 иш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «давлат солиқ бошқармаси» деган сўзлар «ДСБ» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

12. 15-банднинг иккинчи хатбошисидagi «6» рақами «4» рақами билан алмаштирилсин.

13. 16-банднинг иккинчи хатбошисидagi «ДСИ» қисқартмаси «ДСБ» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

14. 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Агар рад этиш тўғрисидаги қарор ДСБ томонидан қабул қилинган бўлса, рад этиш тўғрисидаги хабарнома солиқ тўловчига рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунни мобайнида юборилади.

Агар рад этиш тўғрисидаги қарор Давлат солиқ қўмитаси томонидан қабул қилинган бўлса, рад этиш тўғрисидаги хабарнома рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунни мобайнида ДСБга юборилади, ДСБ ўз навбатида рад этиш тўғрисидаги хабарноманинг кўчирма нусхасини олган кундан бошлаб бир иш кунни мобайнида унинг кўчирма нусхасини солиқ тўловчига юборади.

Агар рад этиш тўғрисидаги қарор Молия вазирлиги томонидан қабул қилинган бўлса, Молия вазирлиги рад этиш тўғрисидаги хабарномани рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида Давлат солиқ қўмитасига юборади. Давлат солиқ қўмитаси рад этиш тўғрисидаги хабарномани олган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида унинг кўчирма нусхасини ДСБга юборади, ДСБ ўз навбатида рад этиш тўғрисидаги хабарноманинг кўчирма нусхасини олган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида унинг кўчирма нусхасини солиқ тўловчига юборади.»

15. 20-банднинг иккинчи хатбошисидаги «тегишли давлат солиқ бошқармаси ва ДСИни» деган сўзлар «тегишли ДСБни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. 1-илованинг 4-бандидаги «ОКОНХ» қисқартмаси «ИФУТ» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

17. 4, 4а, 4б ва 5-иловалардаги «ДСИ» қисқартмаси «ДСБ» қисқартмаси билан алмаштирилсин.

18. 6 ва 7-иловалар мазкур ўзгартиришларнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммани солиқ тўловчининг банкдаги ҳисоб varaғига қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қўшма қарори билан тасдиқланган низомга киритилаётган ўзгартиришларга
1-ИЛОВА

«Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммани солиқ тўловчининг банкдаги ҳисоб varaғига қайтариш тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

Ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган ҚҚСни қайтариш учун

тақдим

(корхона номи)

**қилинган ҳужжатлар тўпламининг
ТЕХНИК ЙўНАЛИШ ҚОҒОЗИ**

T/p	Идора (ташкilot)нинг номи	Ҳужжат рақами ва келиб тушиш санаси	Ҳужжатлар тўпламини қабул қилиб олувчи шахснинг лавозими ва Ф.И.О.	Ҳужжатлар тўпламини ижрочига бериш санаси	Ҳужжатлар тўпламини олган ижрочининг Ф.И.О. ва имзоси	Ҳужжатларни кейинчалик қайта ишлашга бериш санаси	Ҳужжатларни кўриб чиқишнинг кечикиш сабаби
1.	Давлат солиқ бошқармаси (3 иш куни)						
2.	Давлат солиқ кўмитаси (6 иш куни)						
3.	Молия вазирлиги (6 иш куни), шу жумладан:						
3.1.	Тармоқ бошқармаси (4 иш куни)						
3.2.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги (2 иш куни)						

».

Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммаси солиқ тўловчининг банкдаги ҳисоб варағига қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қўшма қарори билан тасдиқланган низомга киритилаётган ўзгартиришларга
2-ИЛОВА

«Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммаси солиқ тўловчининг банкдаги ҳисоб варағига қайтариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қўшма қарори билан тасдиқланган низомга
7-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўзбекистон Республикаси Давлат
солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари

20__ й. «__» _____

_____ -сон ХУЛОСА

_____ (хулоса берган ДСБ номи)

_____ аризаси бўйича
(корхона номи)

СТИР

_____ ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган, қайтариладиган ҚҚСнинг ортиқча суммаси _____ учун
(давр)

тақдим қилинган ҳужжатларни текшириш асосида тўловчида 20__ й. _____ ҳолатига қайтариладиган ҚҚСнинг ортиқча суммаси _____
(рақам билан)

_____ сўм ҳосил
(сўз билан)

бўлганлиги аниқланди.

ДСБ бошлиғи _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

20__ йил «__» _____
М.Ў.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН
КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

230 «Ўзбекистон Республикасининг Мулкни баҳолаш миллий стандарти (12-сон МБМС) «Солиқ солиш мақсадида ялпи баҳолаш усуллари билан кўчмас мулк қийматини баҳолаш»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2359-2*

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 декабрдаги ЎРҚ–454-сон «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2012 йил 25 мартдаги 01/19-18/06-сон «Ўзбекистон Республикасининг Мулкни баҳолаш миллий стандарти (12-сон МБМС) «Солиқ солиш мақсадида ялпи баҳолаш усуллари билан кўчмас мулк қийматини баҳолаш»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2359, 2012 йил 8 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 19-сон, 211-модда);

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2016 йил 26 майдаги 01/27-26/32-сон «Ўзбекистон Республикасининг Мулкни баҳолаш миллий стандарти (12-сон МБМС) «Солиқ солиш мақсадида ялпи баҳолаш усуллари билан кўчмас мулк қийматини баҳолаш»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2359-1, 2016 йил 1 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 22-сон, 253-модда).

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси, Ўзбекистон баҳоловчилар жамияти ва Ўзбекистон баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси билан келишилган.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 мартда эълон қилинган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Р. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 9 март,
01/19-10/17-сон

Келишилган:

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2018 йил 9 март

*Давлат солиқ
қўмитаси раиси*

Б. ПАРПИЕВ

2018 йил 9 март

*Ер ресурслари, геодезия,
картография ва давлат
кадастри бўйича давлат
қўмитаси раиси*

А. АБДУЛЛАЕВ

2018 йил 9 март

*Ўзбекистон баҳоловчилар
жамияти раиси*

Н. МИРЗАРАХИМОВА

2018 йил 9 март

*Баҳоловчи ташкилотлар
ассоциацияси раиси*

А. ИСЛАМОВ

2018 йил 9 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**235 Қаровсиз қолган ҳайвонларни отиб ташлаш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш
хақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2368-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сон «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ва 2017 йил 1 июндаги ПФ-5067-сон «Давлат ветеринария хизмати бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг 2012 йил 29 мартдаги 3 ва 9-сон қарори (рўйхат рақами 2368, 2012 йил 22 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 21-сон, 240-модда) билан тасдиқланган Қаровсиз қолган ҳайвонларни отиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Экология ва атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш давлат
қўмитаси раиси**

Б. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 19 февраль,
1-сон

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 19 февраль
46-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 18 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
давлат қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги-
нинг 2018 йил 19 февралдаги 1, 46-сон
қарорига
ИЛОВА

Қаровсиз қолган ҳайвонларни отиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар

1. 4-банддаги «шаҳар ва туман давлат» деган сўзлар «туманлар (шаҳарлар)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 8-бандда:

«а» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) муайян туманлар (шаҳарлар) доирасида ҳайвонларни отиб ташлашга тайёргарлик кўриш ва отиш бўйича тадбирларни амалга оширишнинг аниқ жойларини, йўналишларини, вақти ва тартибини белгилаш учун — овчилик жамиятлари ходимлари, хаваскор овчилар (уларнинг розилиги билан), экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат инспекторлари ва ҳайвонларни тутиш бўлими ходимлари;»;

«в» кичик банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«туманлар (шаҳарлар) ветеринария бўлимлари ходимлари — ҳайвонларни қутуриш жойларида, қутуриш касаллиги кўп учраши хавфи бўлган эпизоотик ҳудудларда отиб ташлаш амалга оширилаётганда киритилади.»

3. 9-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Овчилар ва балиқчилар спорт жамиятлари уюшмасининг (бундан буён матнда «Ўзбековчибалиқчи» уюшмаси деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 12-банддаги ва 26-банднинг ўн иккинчи хатбошисидаги «табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 25-банднинг иккинчи хатбошисидаги «шаҳар (туман) давлат» деган сўзлар «туманлар (шаҳарлар)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 32-банддаги «табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари (Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари)» деган сўзлар «экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 42-банддаги «Ўзбековчибалиқчи» уюшмасининг» деган сўзлар «Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 44-банддаги «Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва

сув хўжалиги вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, «Ўзбековчибалиқчи» уюшмаси» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 47-банддаги «Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармасига, шунингдек рағбатлантириш чораларини кўриш учун «Ўзбековчибалиқчи» уюшмасига» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасига, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармасига, шунингдек рағбатлантириш чораларини кўриш учун Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 48-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Ўзбековчибалиқчи» уюшмаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси ва Давлат ветеринария қўмитаси билан келишилган.

*Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири*

2018 йил 31 январь

З. МИРЗАЕВ

Соғлиқни сақлаш вазири

2018 йил 30 январь

А. ШАДМАНОВ

Молия вазири

2018 йил 29 январь

Д. КУЧКАРОВ

Фанлар академияси президенти

2018 йил 27 январь

Б. ЮЛДАШЕВ

*Ўзбекистон овчи ва балиқчилар
спорт бирлашмаси раиси*

2018 йил 26 январь

С. АЮПОВ

Давлат ветеринария
қўмитаси раиси в. б.

Б. НОРКОБИЛОВ

2018 йил 25 январь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

236 «Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларининг эскиришини аниқлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2538-1*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2013 йил 29 ноябрдаги 68, 38 ва 4-сон «Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларининг эскиришини аниқлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2538, 2013 йил 19 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 51-сон, 677-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 1 март,
44-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 18 мартда эълон қилинган.

Иқтисодиёт вазири**Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 1 март,
8-сон

**Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси****Б. ЗАКИРОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 1 март,
2018-2-сон

Келишилган:

**Давлат статистика
қўмитаси раиси****Б. БЕГАЛОВ**

2018 йил 1 март

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ****237 Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2169-2

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **бюро-ман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 17 декабрдаги 105-сон буйруғи (рўйхат рақами 2169, 2010 йил 22 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 502-модда) билан тасдиқланган Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 18 мартда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 1 март,
45-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2018 йил 1 мартдаги
45-сон буйруғига
ИЛОВА

**Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги
йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Қуйидаги мазмундаги 2¹-банд билан тўлдирилсин:

«2¹. Марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматида бухгалтерия ҳисоби бўйсунувидаги қўйи муассасалар кесимида алоҳида мазкур Йўриқномага мувофиқ юритилади.»

2. 82-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«82. Асосий воситаларнинг бутлиги устидан назоратни йўлга қўйиш ва уларнинг ҳисобини ташкил этиш учун ҳар бир объект (предмет)га, кутубхона фондларидан ташқари, ўн белгидан иборат инвентар рақами берилади.

Бунда, дастлабки уч белги субсчётни билдиради, тўртинчи ва бешинчи белги — гуруҳни, қолган беш белги эса, предметнинг гуруҳдаги тартиб рақамини билдиради. Гуруҳлар ажратилмаган субсётлар бўйича эса, тўртинчи ва бешинчи белги «Нол» билан белгиланади.

Масалан, 0100000001 — инвентар рақамида 010 «Тураржой иморатлар» субсётини, 001 — объектнинг тартиб рақамини билдиради;

0131000001 — инвентар рақамида 013 «Машина ва жиҳозлар» субсётини, 10-гуруҳ — хўжалик инвентари, 00001 — предметнинг тартиб рақамини билдиради.»

3. 112-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«112. Ташкилотлар асосий воситаларининг эскириши мазкур Йўриқноманинг 63-иловасига мувофиқ бюджет ташкилотлари асосий воситаларининг йиллик эскириш меъёрларидан (кейинги ўринларда эскириш меъёрлари деб юритилади) келиб чиққан ҳолда, ҳар йили аниқланади ва ҳар ойда шу ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттирилади.

Бунда эскириш меъёрлари асосий воситаларнинг дастлабки (тикланиш) қийматига нисбатан фоизларда белгиланади.»

4. 116-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«116. Эскириш қуйидаги асосий воситалар бўйича аниқланмайди: архитектура ва санъатнинг ноёб ёдгорликлари бўлган иморатлар ва иншоотлар,

кабинет ва лабораторияларда жойлашган ўқув ишлари ва илмий мақсадларда фойдаланиладиган жиҳозлар, экспонатлар, нусхалар, амалдаги ва амал қилмаётган моделлар, макетлар ва бошқа кўргазмали қўлланмалар, махсулдор қора моллар, қўтослар, ҳайвонот олами экспонатлари (ҳайвонот боғи ва шунга ўхшаш ташкилотларда), фойдаланиш мумкин бўлган ёшга етмаган қўп йиллик кўчатлар, кутубхона фондлари, фильмлар фонди, сахнага қўйиш ускуналари, бадий ва музей буюмлари, қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилмаган капитал қурилиш объектлари ёки унинг қисмлари ҳамда тугалланмаган қурилишлар.».

5. Қўйидаги мазмундаги 118¹-банд билан тўлдирилсин:

«118¹. Мавсумий тусга эга бюджет ташкилотларида фойдаланилаётган асосий воситалар бўйича эскириш суммаси 118-бандда белгиланган тартибда аниқланади.».

6. 210-банд қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Келгусида ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган чиқиндиларнинг кирим қилиниши 06 «Бошқа товар-моддий захиралар» ва бошқа сўтларнинг тегишли субсўтлари дебетида ва 090 «Товар (иш, хизмат)ларга харажатлар» субсўти кредитида акс эттирилади.».

7. 231-банднинг иккинчи хатбошидаги «15 ва бошқа» деган сўзлар «15, 23 ва бошқа» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. Қўйидаги мазмундаги 235¹ — 235⁸-бандлар билан тўлдирилсин:

«235¹. Қўйидаги ҳолларда ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметасида бўшаб қолган маблағлар тежаб қолинган ҳисобланмайди ва тегишли бюджетга қайтарилиши ёки тегишли бюджетда қолиши керак:

бюджет ташкилотларининг тармоғи, штатлари ва контингентлари бўйича режа бажарилмаганда;

бюджет ташкилотларининг тасдиқланган штат жадвалида назарда тутилган штат бирликлари тўлдирилмаганда;

капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлар молия йили якуни бўйича тўлиқ ўзлаштирилмаганда;

бюджет ташкилотлари фаолияти тўхтатиб турилганда — тўхтатиб турилган давр учун;

бюджет ташкилотларининг тасдиқланган харажатлар сметаларида назарда тутилган, давлат молиявий назорати бўйича тадбирлар давомида аниқланган ортиқча ва қонунга ҳилоф равишда бюджетдан ажратилган маблағларнинг суммалари;

қонун ҳужжатлари қабул қилиниши муносабати билан бюджетдан ажратилмаган маблағлар миқдорларининг қисқартирилиши суммалари;

молия йили бошига товар-моддий қимматликларнинг нормативдан ортиқ захираларининг суммалари;

дотациялар ва субсидияларни тўлаш учун мўлжалланиб, аммо зарурати қолмаган суммалар.

235². Ходимлар сонининг тўлдирилмаганлиги натижасида бўшаб қолган маблағлардан бир йўла бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлиги, хизмат

кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажмининг ортганлиги, ўзининг асосий иши билан бирга, ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазибаларини бажарганлик учун қўшимчалар белгилашга, шунингдек ҳомиладорлик, туғиш ва меҳнатга лаёқатсизлик нафақаларини (вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари) тўлаш учун фойдаланилиши мумкин.

235³. Бюджет ташкилотларининг молия йилида фойдаланилмай қолган бюджетдан ташқари маблағлари кейинги молия йилига ўтади ҳамда улардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланилади. Ўтган молия йилида фойдаланилмай қолган бюджетдан ташқари маблағлар кейинги молия йилида қайта тақсимланмай ўша мақсадларда фойдаланилади.

235⁴. Бюджет ташкилоти қайта ташкил этилган (қўшиб юборилган, қўшиб олинган, ўзгартирилган) ҳолларда, бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобварақларидаги (шахсий ғазна ҳисобварақларидаги) қолдиқ маблағлар қайта ташкил этилган бюджет ташкилоти тасарруфида қолади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

235⁵. Бюджет ташкилоти бўлиш ёки унинг таркибидан бир ёхуд бир неча бюджет ташкилотини ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилганда бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобварақларидаги (шахсий ғазна ҳисобварақларидаги) қолдиқ маблағлар қайта ташкил этилган бюджет ташкилотлари бўйича мутаносиб равишда тақсимланади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

235⁶. Бюджет ташкилотларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаш харажатлари тўхтатилган ҳолларда, бюджетдан ташқари маблағлар қолдиғи мазкур ташкилот тасарруфида қолади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

235⁷. Тугатилган бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобварақларидаги (шахсий ғазна ҳисобварақларидаги) маблағлар қолдиғи белгиланган тартибда тегишли бюджет даромадларига ўтказилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

235⁸. Бюджет ташкилотларининг ҳисобварақларига (шахсий ғазна ҳисобварақларига) нотўғри келиб тушган маблағлар қайтарилиши бюджет ташкилоти томонидан тўловчи мурожаат қилган кундан бошлаб ўн банк куни мобайнида амалга оширилади.».

9. 275-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғарма, Республика йўл жамғармаси» деган сўзлар «давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 296-банддаги «ҳисоб-китоблар, жумладан, марказлашган тартибда берилган моддий активларга» деган сўзлар «ҳисоб-китобларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 297-банддан иккинчи ва учинчи жумлалар чиқариб ташлансин.

12. 308-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ишлаб чиқарилган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг таннархига киритилмайдиган давр харажатлари 211 «Давр харажатлари» субсчёти дебети ва сарф-харажатларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар кредитида акс этирилади.»;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

13. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ тахрирда 63-илова билан тўлдирилсин.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби
тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчаларга
ИЛОВА

«Бюджет ташкилотларида бухгалтерия
ҳисоби тўғрисидаги йўриқномага
63-ИЛОВА

**Бюджет ташкилотлари асосий воситаларининг
йиллик эскириш
МЕЪЁРЛАРИ**

Гуруҳлар т/р	Кичик гуруҳлар т/р	Асосий воситаларнинг номи	Эскиришнинг йиллик нормаси, фоизларда
I		Бинолар, иморатлар ва иншоотлар	
	1.	Бинолар, иморатлар	5
	2.	Нефть ва газ қудуқлари	
	3.	Нефть-газ омборлари	
	4.	Кема қатнайдиған каналлар, сув каналлари	
	5.	Кўприklar	
	6.	Дамбалар, тўғонлар	
	7.	Дарё ва денгиз причал иншоотлари	
	8.	Корхоналарнинг темир йўллари	
	9.	Қирғоқни мустаҳкамловчи, қирғоқни ҳимояловчи иншоотлар	
	10.	Резервуарлар, цистерналар, баклар ва бошқа сизимлар	
	11.	Ички хўжалик ва хўжаликлараро суғориш тармоғи	
	12.	Ёпиқ коллектор-дренаж тармоғи	
	13.	Ҳаво кемаларининг учиш-қўниш йўллари, йўлаклар, тўхташ жойлари	
	14.	Боғларнинг ва ҳайвонот боғларининг иншоотлари	
	15.	Спорт-соғломлаштириш иншоотлари	
	16.	Иссиқхоналар ва парниклар	
	17.	Бошқа иншоотлар	
II		Узатиш қурилмалари	
	1.	Электр узатиш ҳамда алоқа қурилмалари ва линиялари	8
	2.	Ички газ қувурлари ва қувурлар	
	3.	Водопровод, канализация ва иссиқлик тармоқлари	
	4.	Магистрал қувурлар	

Гуруҳлар т/р	Кичик гуруҳлар т/р	Асосий воситаларнинг номи	Эскиришнинг йиллик нормаси, фозларда
	5.	Бошқалар	
III		Куч-қувват берадиган машиналар ва ускуналар	
	1.	Иссиқлик техника ускуналари	
	2.	Турбина ускуналари ва газ турбиналари қурилмалари	
	3.	Электр двигателлари ва дизель-генераторлар	8
	4.	Комплекс қурилмалар	
	5.	Бошқа куч-қувват берадиган машиналар ва ускуналар (ҳаракатланувчи транспортдан ташқари)	
IV		Фаолият турлари бўйича иш машиналари ва ускуналар (ҳаракатланувчи транспортдан ташқари)	
	1.	Иқтисодиётнинг барча тармоқларига тегишли машиналар ва ускуналар	
	2.	Қишлоқ хўжалиги тракторлари, машиналари ва ускуналари	
	3.	Коммутациялар ва маълумотларни узатиш рақамли электрон ускуналари, рақамли тизимлар узатиш ускуналари, рақамли алоқа ўлчов техникаси	
	4.	Йўлдош, уяли алоқа, радиотелефон, пейжинг ва транкинг алоқа ускуналари	
	5.	Узатишлар тизимлари коммутацияларининг ўхшаш ускуналари	
	6.	Киностудияларнинг махсус ускуналари, тиббий ва микробиология саноати ускуналари	15
	7.	Компрессор машиналари ва ускуналари	
	8.	Насослар	
	9.	Юк кўтариш-транспорт, юк ортиш-тушириш машиналари ва ускуналари, тупроқ, карьер ҳамда йўл-қурилиш ишлари учун машиналар ва ускуналар	
	10.	Устун-қозиқ қоқиш машиналари ва ускуналари, майдалаш-янчиш, саралаш, бойитиш ускуналари	
	11.	Технологик жараёнлар учун барча турдаги сизимлар	
	12.	Нефть қазиб чиқариш ва бургулаш ускуналари	
	13.	Бошқа машиналар ва ускуналар	
V		Ҳаракатланувчан транспорт	
	1.	Темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби	
	2.	Денгиз, дарё кемалари, балиқчилик саноати кемалари	8
	3.	Ҳаво транспорти	
	4.	Автомобиль транспортининг ҳаракатдаги таркиби, ишлаб чиқариш транспорти	
	5.	Енгил автомобиллар	20
	6.	Саноат тракторлари	
	7.	Коммунал транспорт	
	8.	Махсус вахта вагонлари	10
	9.	Бошқа транспорт воситалари	20
VI		Компьютер, периферия қурилмалари, маълумотларни қайта ишлаш ускуналари	
	1.	Компьютерлар	
	2.	Периферия қурилмалари ва маълумотларни қайта ишлаш ускуналари	20

Гуруҳлар т/р	Кичик гуруҳлар т/р	Асосий воситаларнинг номи	Эскиришнинг йиллик нормаси, фозларда
	3.	Нусха кўчириш-кўпайтириш техникаси	
	4.	Бошқалар	
VII		Бошқа гуруҳларга киритилмаган қатъий белгиланган активлар	
	1.	Кўп йиллик дов-дарахтлар	10
	2.	Идора мебели ва ускуналари (шу жумладан телефон аппаратлари, ҳисоблаш қурилмалари ва бошқалар)	15
	3.	Бошқалар	10

».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУФИ

238 «Бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2400-1

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 5 октябрдаги 74-сон «Бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2400, 2012 йил 13 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 46-47-сон, 527-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 1 март,
46-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 18 мартда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

239 «Мактабгача таълим муассасаларини мебель, ўқув кўргазмали қуроллар, техник-воситалар, ўйинчоқлар, спорт анжомлари ва бошқа ашёлар билан жиҳозлаш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2753-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ–3305-сон «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2015 йил 31 декабрдаги 29-мх, 109, 112-сон «Мактабгача таълим муассасаларини мебель, ўқув кўргазмали қуроллар, техник-воситалар, ўйинчоқлар, спорт анжомлари ва бошқа ашёлар билан жиҳозлаш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2753, 2016 йил 16 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3-сон, 28-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ва Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертифицилаштириш агентлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Мактабгача таълим вазири

А. ШИН

Тошкент ш.,
2018 йил 7 март,
6-сон

Иқтисодиёт вазири

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 7 март,
44-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 18 мартда эълон қилинган.

Молия вазири**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 7 март,
57-сон

*Келишилди:**Ички ишлар вазири***П. БОБОЖОНОВ**

2018 йил 7 март

*Мудофаа вазири***А. АЗИЗОВ**

2018 йил 7 март

*Соғлиқни сақлаш вазири***А. ШАДМАНОВ**

2018 йил 7 март

*Давлат архитектура ва қурилиш
қўмитаси раиси***Б. ЗОКИРОВ**

2018 йил 7 март

*Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги бош директори***А. КАРИМОВ**

2018 йил 7 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

240 Мактабгача таълим муассасаларини ўйинлар, ўйинчоқлар, мебель, жиҳозлар ва бошқа техник воситалар билан жиҳозлаш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2986*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сон «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Мактабгача таълим муассасаларини ўйинлар, ўйинчоқлар, мебель, жиҳозлар ва бошқа техник воситалар билан жиҳозлаш меъёрлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Мактабгача таълим вазири

А. ШИН

Тошкент ш.,
2018 йил 7 март,
7-сон

**Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги бош директори**

А. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 7 март,
К-6-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 18 мартда эълон қилинган.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 7 март,
14-сон

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 7 март,
58-сон

Мақтабгача таълим муассасаларини ўйинлар, ўйинчоқлар, мебель, жиҳозлар ва бошқа техник воситалар билан жиҳозлаш
МЕЪЁРЛАРИ

1. ГУРУХ ЖИҲОЗЛАРИ

Т/р	Жиҳоз номи	Ўлчов бирлиги	Гуруҳлар кесимида сони					
			илк ёш гуруҳи (2-3 ёш)	кичик гуруҳ (3-4 ёш)	ўрта гуруҳ (4-5 ёш)	катта гуруҳ (5-6 ёш)	тайёрлов гуруҳ (6-7 ёш)	қисқа муддатли гуруҳ
Кириш йўлакча учун жиҳозлар								
1.	Кийим жавони ¹	дона	1	1	1	1	1	1
2.	Кийим жавони (бешталиқ)	дона	4	5	5	5	5	5
3.	Болалар учун скамейка	дона	2	2	2	2	2	2
4.	Жавон (табиат бурчаги учун)	дона	1	1	1	1	1	1
5.	Кўзгули жавон (трюмо)	дона	1	1	1	1	1	1
6.	Тумба (оёқ кийимлар учун)	дона	1	1	1	1	1	1
7.	Гилям поёндоз	метр	Хона ўлчамига мувофиқ					
8.	Гилямча (эшиқ остонасига)	дона	1	1	1	1	1	1
9.	Банкалар (термометр учун)	дона	2	2	2	2	2	2
10.	Термометр ¹	дона	1	1	1	1	1	1
Ўйин майдони учун жиҳозлар								
1.	Гилям	дона	Хона ўлчамига мувофиқ					
2.	Релаксацион кресло	дона	2	2	2	2	2	2
3.	Болалар пуфиклари	дона	2	2	2	2	2	2
4.	Болалар компьютери	дона				1	1	1
5.	Сенсор столи	дона	1	1	1			
6.	Парда	м ²	Хона ўлчамига мувофиқ					
7.	Карниз	метр	Хона ўлчамига мувофиқ					
8.	Ўйин маркази «Шифохона»							
	стол	дона	1	1	1	1	1	1
	стул	дона	1	1	1	1	1	1
	ширма	дона	1	1	1	1	1	1
	аптечка	тўплам	1	1	1	1	1	1
	шифокор жиҳозлари	тўплам	2	2	2	2	2	2
9.	Орасталик бурчаги							
	рўмол	дона		1	1	1	1	1

Т/р	Жиҳоз номи	Ўлчов бирлиги	Гуруҳлар кесимида сони					қисқа муддатли гуруҳ
			илк ёш гуруҳи (2-3 ёш)	кичик гуруҳ (3-4 ёш)	ўрта гуруҳ (4-5 ёш)	катта гуруҳ (5-6 ёш)	тайёрлов гуруҳ (6-7 ёш)	
	фартук	дона		1	1	1	1	1
	сарафан кўйлақчалар	дона		1	1	1	1	1
	болалар тақинчоқлари	дона		1	1	1	1	1
10.	Ўйин маркази «Гўзаллик саломи»							
	кўзгули жавон	дона	1	1	1	1	1	1
	стул	дона	1	1	1	1	1	1
	сартарош жиҳозлари	тўплам	1	1	1	1	1	1
11.	Ўйин маркази «Ошхона»							
	ошхона мебеллари тўплами	тўплам	1	1	1	1	1	1
	ошхона идиш ва анжомлари	тўплам	2	2	2	2	2	2
	рўмол	дона		1	1	1	1	1
	фартук	дона		1	1	1	1	1
12.	Ўйин маркази «Ателье»							
	болалар дазмоли	дона			1	1	1	1
	дазмол столи	дона			1	1	1	1
	болалар тикув машинаси	дона			1	1	1	1
	болалар тикувчи жамланмаси	тўплам			2	2	2	2
13.	Ўйин маркази «Кир ювиш»							
	Кир ювиш машинкаси	дона		1	1	1	1	1
	дазмол столи	дона		1	1	1	1	1
	дазмол	дона		1	1	1	1	1
	кир учун сават	дона		1	1	1	1	1
14.	Ўйин маркази «Банк»							
	Банк картаси	дона			1	1	1	1
	Касса аппарати	дона			1	1	1	1
	Монитор	дона			1	1	1	1
15.	Ўйин маркази «Почта»							
	Почта бўлими	дона			1	1	1	1
	Пасълка, бандироль,	дона			1	1	1	1
